



СУННАТГА ШУНДАЙ АМАЛ ҚИЛИШГАН

Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) умрининг ниҳоясида бундай деган эди:

"Дарҳақиқат, мен Расулуллоҳга (солаллоҳу алайҳи ва саллам) байъат берган эдим, бугунгача унга хилоф қилмадим, уни ҳеч нарсага алиштирмадим".

Бу улуг саҳобий ўн уч ёшидаёқ Ислом равнақи учун ишлашга бел боғлади. Умрининг саксон бешинчи санасида ҳам бу аҳдидан қилча ҳам тоймади. Байъатини ҳеч унутмади. Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) берган ваъдасига вафо қилди.

Умрининг охиригача Аллоҳ ва Унинг расулига келтирган имонида собит турди. Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) суннатларига амал қилишда барчага намуна бўлди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳар бир ишни қандай бажарсалар, у киши ҳам айнан шундай адо этишга ҳаракат қилди.

Расулуллоҳ (солаллоҳу алайҳи ва саллам) намоз

ўқиган жойда намоз ўқиди. Расули акрам туриб дуо қилган ерда туриб дуо қилди. У

ерга етганида туясини икки марта айлантирди, сўнг уни чўккалатиб, икки ракат на-

мозини ўқиди. Бу амалларни Расулуллоҳ қандай қилган бўлсалар, батамом ўша ҳолатда адо этди. Унинг Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) эргашишга интилиши мўминлар онаси Ойишани (розийаллоҳу анҳо) ҳам кўп ҳаяжонга солган эди. Шу боисдан Ойиша онамиз: "Пайғамбарнинг қўнган жойларидаги изларига бирор киши Ибн Умарчалик эргаша олмади", деганлар.

Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу) айтадилар:
Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) «ҳар доим юзлари кулиб турар, табиатлари ўта мулойим эди. Жуда кечиримли, қахрлари ҳам қаттиқ эмасди. Ҳеч ким билан тортишмас, кимсага бақириб-чақирмас, бирор ёмон сўз айтмас эдилар. Бировни айбламадилар. Курумсоқ ҳамда қизганчиқ эмасдилар. Ёқтирмаган нарсаларига эътибор бермасдилар ва ҳеч кимни умидсизликка тушириб қўймас эдилар. Ўзларини бевозта қилган нарсаларни сездирмас эдилар ва ҳеч кимнинг юзига айбини айтмас эдилар. Бировнинг орқасидан гапирмас эдилар, айбини излаш билан машғул бўлмас эдилар, ҳеч кимга у киши учун хайрли ва савобли бўлмаган сўзни айтмасдилар. Юмшоқлик ва сабрни ўзларида жо эта олган бўлиб, ҳеч нарса у зотнинг (алайҳиссалом) жаҳллари чикармас эди».

зот ўтириб илтижо қилган жойда ўтириб дуога қўл очди.

Қачон Фаҳри коинот (алайҳиссалом) туяларидан тушиб, икки ракат намоз ўқиган жойларига етса, ўша ерда албатта намоз ўқиди. Расулуллоҳ намоз ўқишларидан олдин туяларини (қулай жой танлаб) икки марта айлантирган бўлсалар, Абдуллоҳ ҳам ўша

Сийрат китоблари асосида тайёрланди



СЎЗ АМАЛДИР

Инсоннинг икки дунёдаги саодати унинг қалби ва тилига боғлиқ.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: "Банданинг имони қалби тўғри бўлмагунича тўғри бўлмайди. Қалби тили тўғри бўлмагунича тўғри бўлмайди" (*Табароний*).

Демак, имон комиллиги тилга, унинг солиҳ амаллар қилишига боғлиқ. Тилдан чиққан ҳар бир сўз амалдир. Амалларнинг яхши ва ёмони бор.

Тил ногоҳ содир этган хато оқибати хатарли бўлгани учун Расулуллоҳ (алайҳиссалом) бундай деганлар: "Аллоҳ таолога энг суюкли амал У рози бўлмаган нарсалардан тилни сақлашдир" (*Термизий*); "Аллоҳга қасамки, ер юзида узоқ ҳибс қилинишга тилдан ўзга лойиқ нарса йўқ" (*Табароний*). Зеро, тилга эрк бериш оқибатида оилалар пароканда бўлади, дўстлар душманга айланади.

Тилни ёмон амаллардан сақлашга инсон кам гапириш, фақат лозим ўринларда, чуқур мулоҳазадан сўнг, қисқа ва лўнда сўзлаш ё сукут сақлаш билан муяссар бўлади. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) бундай марҳамат қилганлар: "Киши беҳуда сўзлардан тилини тийиши билан шайтон устидан ғолиб бўлади" (*Табароний*).

"Сукут қилган нажот топади" (*Термизий*).

"Ортиқча сўздан тийилган ва ортиқча молини эҳсон қилган кишига саодат бўлсин" (*Ибн Абуддунё*).

Тилдан чиққан ҳар бир сўз амалдир.

"Инсон талаффуз қиладиган ҳар бир сўзни ёзиб борувчи фаришта ҳозирдир" (*Қоф, 18*).

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ

Абдулазиз МАНСУР

Неъматилла ИБРОҲИМОВ

Аҳад ҲАСАНОВ

Зоҳиджон ИСЛОМОВ

Зоҳидилло МУНАВВАРОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Абдураззоқ ЮНУС

Анвар ТУРСУН

Дурбек ОБИДЖОН

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Эркин МАЛИК

Абдул Жалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН

Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Мукова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадийий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матнни

Райҳона ХОЛБЕК қизи

терди

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.3742.24-34-04

Раҳбари Ўқтам хожи Умрзоқ

Фарғона вилояти — 8.373.57. 2-12-38

Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин

Сурхондарё вилояти — 8.376.22.6-05-08

Раҳбари Низомиддин Чори

Манзилимиз:

700021, Тошкент шаҳри

Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй.

Тел: 149-18-26, тел.факс: 144-36-53.

Интернет сайтимиз: www.hidayat.uz

Интернет почтаимиз: admin@hidoyat.uz

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 170.

Босишга 2006 йил 31 майда рухсат берилди. Босмахонага 2006 йил 1 июнда топширилди. Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 16000 нусха. 101-сон буюртма. «KONI NUR» МЧЖда босилди.

Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ
ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Ибрат	
Суннатга шундай амал қилишган	1
Таянч нуқта	
Муҳаммад Шариф ЖУМАН	
Сўз амалдир	2
ЎМИ ҳаёти	
Малайзиялик меҳмонлар	6
Солиҳ Ҳошим билан мулоқот	6
Қуръон мусобақаси	6
Кўчма йигин	7
Битирувчилар билан суҳбат	7
Ҳажга тайёргарлик	7
Имомлар ўқуви	7
Янгилар	
Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ	
Навоий шаҳрида янги жомеъ	8
Биздан сўрашади	
Кириш имтихонларига оз қолди	9
Насихат	
Абу Ҳомид ҲАЗЗОЛИЙ	
Фарзанд тарбияси	14
Олисларга саёҳат	
Аҳмад МУҲАММАД	
Канада давлати	16
Наҳйи мункар	
Гуноҳларнинг энг катталари	19
Ибратли ҳикоялар	
Омонуллоҳ МУТАЛ	
Фақат Аллоҳ билади	19
Мерос	
Ҳошимхўжа ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ	
Доғийни биласизми?.....	20
Йўлдошхўжа Отаҳўжа ўғли ДОҒИЙ	
Дилни тоатга муҳайё айлагин	21
Маишур қорилар	
Аббос АҲМАД	
"Ноёб овоз соҳиби"	25
Шеърят	
Ойгул СУҲОНДИКОВА	
Менинг соғинганим сезади отам	26
Мавжуда КАРИМОВА	
Сирдошим	27
Ҳадича ҒАНИЕВА	
Ҳасрат шамолларида	27
Мулоҳаза	
Баҳодир НУРМУҲАММАД	
Исмимнинг маъноси нима?	28
Кўлингиздан келади	
Жаҳонгир ҚУЧҚОРОВ	
Асалари боқишни истайсизми?	29
Адабиёт	
Ражаббой РАУПОВ	
Ўлим билан юзма-юз	30
Санъат	
Абдул ЖАЛИЛ	
"Хаттот арт" ўқишга қабул қилади	32

Ақида

Имоми Аъзам Абу ҲАНИФА

Ал-омур вали-мултасаллим

4

Амал ва сўзларнинг юзага чиқиши қалбга боғлиқдир. Шунинг учун тили билан имон келтириб, қалб билан имон келтирмаган бандда Аллоҳ наздида мўмин эмас ва аксинча: қалби билан имон келтириб, тили билан имон келтирмаган банд Унинг наздида мўминдир.

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

"Исломиё саккизлик"
янги лойиҳа тuzмоқда

Д-8 гуруҳи, яъни, "исломий саккизлик"ка кирувчи мамлакатлар ядро қувватидан тинч мақсадларда фойдаланиш масалаларига оид Индонезия тайёрлаган қарор лойиҳасини муҳокама қилди. Саккизлик вакилларининг бешинчи саммити Индонезиянинг Бали оролида ўтди.

10

Наҳйи мункар

ГУНОҲЛАРНИНГ
ЭНГ КАТТАЛАРИ

18

Ғийбатнинг қатор кўринишлари бор: айбларини гапириш ёки масхара қилиш мақсадида унинг бирор хатти-ҳаракатини (имо-ишора қилиб) ўхшатиш ҳам ғийбатдир.

Муносабат

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

ЧИНИ ТУРГАНИДА
АФСОНА НЕЧУН?

22

Қаламнинг кучини "ўтин ёриш"га — ҳар хил афсоналар тўқиб, ўсиб келаётган ёш авлод онгида хато тушунчалар пайдо қилишга эмас, балки бутун эл-юрт фаҳрига айланган асарлар яратишга сарфлашингизни истар эдим.

Абу-олим Вал-мултамим

(Устоз ва шогирд)

Ушбу китобнинг номи, гарчи олим ва таълим олувчи, деган маънони англатса-да, биз уни "Устоз ва шогирд" деб таржима қилдик. Зеро, китоб Абу Ҳанифа билан у зоти шарифнинг шогирдлари Имом Абу Балхий савол-жавоблари асосида таълиф этилган. Устоз ва шогирд ўртасида бўлиб ўтган илмий мунозарани Имом Абу Муқотил ибн Муслим ас-Самарқандий ривоят қилиб, бизгача етказган. Китобдаги савол-жавоблар ҳар бир мусулмон билиши зарур бўлган ўта муҳим ва ўта нозик масалаларни қамраб олган. Уни диққат билан ўқиб чиққан ватандошларимиз, хусусан, толиби илмлар исломий эътиқодга оид ўзларини қийнаб юрган саволларга қониқарли жавоб топадилар, деб умид қиламиз.

Шогирд:

— Устоз! Чуқур билимингиз, бой тажриба-
нгиз, фазлу карамингиз ёрдамида кўнглимдаги
шубҳали саволларга қониқарли ва аниқ жавоб
олиш учун ҳузурингизга келдим. Ҳаёт тақозоси
билан мен турли хил фикрдаги одамларни учра-
тиб тураман ва улар менга баъзида шундай са-
воллар берадиларки, уларга жавоб топишдан ожиз
бўлиб қоламан. Уларнинг саволларига жавоб бе-
ролмасам-да, билганим ҳақиқатдан қайтмайман.
Зеро, ҳақни баён этувчилар бор. Ҳақ йўқ бўлмай-
ди. Ботил яшамайди.

Шунингдек, мени ҳали ҳеч нарсани билиб
улгурмаган ёш толиби илмларга тенглаштириш-
ларини ва гоҳида мени кўнглига келган нарсани
айтаверадиган "бирсом" (жигар билан қалб ўрта-
сининг шамоллашидан пайдо бўладиган касал-
лик) дардига мубтало бўлган беморга қиёс
қилишларини истамайман. Шу боис, устоз, Аллоҳ
таоло ҳолингизни хайрли қилсин, эргашганим
ҳақиқатнинг аслини билишни ва уни сўзлашни
истайман, токи ҳаводор ҳаддан ошмоқчи ё мени
ҳақдан қайтармоқчи бўлса, мақсадига эришма-
син, ё толиби илм мендан таълим олмоққа кел-
са, унга ўзим тушуниб, ўргатай.

Устоз:

— Билмаган нарсаларингни билишга интили-
шинг ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Билиб қўйгин-
ки, инсон жисмидаги ҳамма аъзолар унинг
кўзларига боғлиқ бўлганидек, барча амаллар ҳам
илмга боғлиқдир. Чўлда, адашилганида керак
бўлган кўп озуқадан кўра, тўғри юрилганида,
зарур бўлган озгина озуқа қанчалик фойдали
бўлса, илмга асосланган озгина амал ҳам жаҳо-
лат ила қилинган ҳар қанча кўп амаллардан фой-
далироқдир. Шунинг учун Аллоҳ таоло: "...Била-
диган зотлар билан билмайдиган кимсалар баро-

бар бўлурми?! Дарҳақиқат, фақат ақл эгалари-
гина панд насихат олулар" (Зумар, 9) деб мар-
ҳамат қилади.

Шогирд:

— Қалбимда илм олишга бўлган иштиёқимни
янада зиёда қилдингиз, устоз. Юқорида айтган-
имдек, мен турли савиядаги одамлар билан му-
лоқотда бўлиб тураман. Улардан, иншааллоҳ, ме-
нинг назаримда энг паст савияда бўлганларидан
гапни бошлайман. Уларга қарши далилларни мен-
га айтинг. "Бу ишга асло аралашма. Зеро, саҳоба-
лар ҳам бу ишларнинг ҳеч бирига аралашма-
ганлар. Уларнинг қилганини қил", дейдиган тои-
фаларни кўрдим. Бу тоифалар менинг билган-
имдан ҳам ошириб юборишди. Улар тошқин дарё
ичида турган, унинг саёз жойини билмаганидан
ғарқ бўлаётган кишига: жойингда тур, саёз жой-
ни излама, деяётган одамга ўхшайдилар.

Устоз:

— Сен уларнинг камчиликларидан баъзилари-
ни кўриб, уларга қарши далил истаётганингни
билдим. Агар улар сенга: "Саҳобаларга етган нарса
сизга етмайдими?" десалар, уларга: "Саҳобалар-
нинг ўринларида бўлганимда, уларга етган нарса
менга ҳам етарди, аммо уларнинг ҳузуринда бўлган
Зот (алайҳиссалом) менинг ёнимда йўқ", дегин.

Биз, бизни бадном қилувчиларга ва қонлари-
мизни тўкишни ҳалол дегувчиларга дучор бўлдик.
Қай биримиз ноҳақ ва қай биримиз ҳақ эканини
билмаслигимиз мумкин эмас. Биз ўзимизни ва
номусимизни ҳимоя қилмоғимиз лозим. Расулulloҳнинг
(алайҳиссалом) саҳобалари эса, қарши
курашувчилари бўлмаганидан аслаҳага эҳтиёж
сезмаган халққа ўхшар эдилар. Биз эса, бизни бад-
ном қилувчиларга ва қонларимизни тўкишни
ҳалол дегувчиларга дучор бўлдик.

Киши инсонлар келишолмаган масалани

эшитганида тилини тийса-да, қалбини тиёлмайди. Зеро, қалб томонлардан бирини ё иккисини ҳам ёқтирмаслиги керак. Аммо келишолмаган томонларнинг ҳаммасини ёқтириши мумкин эмас.

Агар қалб зулмга мойил бўлса, золимларни яхши кўради. Қайси халқни яхши кўрса, шулар жумласидан бўлади. Агар қалб ҳаққа ва унга эргашганларга мойил бўлса, уларга дўст бўлади. Зеро, амал ва сўзларнинг юзага чиқиши қалбга боғлиқдир. Шунинг учун тили билан имон келтириб, қалб билан имон келтирмаган банда Аллоҳ наздида мўмин эмас ва аксинча: қалби билан имон келтириб, тили билан имон келтирмаган банда Унинг наздида мўминдир.

Шогирд:

— Устоз, айтинг-чи, ким ҳақу ким ноҳақ эканини билмаслигимнинг менга зарари борми?

Устоз:

— Ҳақни ноҳақдан ажрата олмаслигинг сенга бир томондангина зарар қилмайди, бошқа томонлардан зарар қилади. Сенга зарари етмайдиган томони шундаки, сен ноҳақнинг амали учун жазо олмайсан. Аммо унинг сенга зарарли томонлари эса ушбулардир:

1. Тўғрини нотўғридан ажрата олмаслигинг сабабли одамлар орасида, илми йўқ экан, деган ном оласан.

2. Ҳақ ёки ноҳақ эканингни билмаслигинг хато қиялпсанми ёки йўқми эканингни ажрата олмаслигинг сабабли сени шубҳага туширади ва ундан чиқиш йўлини билмайсан.

3. Ҳақни ноҳақдан ажрата олмаслигинг натижасида сен бировни Аллоҳ ризолиги учун яхши кўришингни ва ёки бировни Аллоҳ ризолиги учун ёмон кўришингни билмай қоласан.

Шогирд:

— Устоз, кўзларимдан жаҳолат пардасини олиб ташладингиз. Айтинг-чи, тўғри деб билинган киши муҳолифларининг тўғрилигини ёки адашганини билмаса, уни ҳақиқатни билувчи, ҳақиқат аҳлидан деб аташ мумкинми?

Устоз:

— Тўғри деб билинган киши муҳолифларининг тўғрилигини ё адашганини билмаса, адашган ва тўғрини билмаган жоҳилдир. Эй биродар! Улар менинг наздимда энг жоҳил ва паст тоифадир. Улар оппоқ кўйлак сотиб олиб, бир-биридан унинг рангини суриштираётган тўрт кишига ўхшайди. Уларнинг бири кўйлакнинг рангини қизил дейди, бошқаси сариқ, учинчиси эса қора ва ниҳоят, тўртинчиси унинг ранги оқ дейди. Учови ҳақида қандай фикрдасан, улар ҳақми ёки адашдиларми? деб тўртинчисидан сўралса, у, мен аниқ биламанки, кўйлакнинг ранги оқ, аммо улар ҳақ бўлсалар ҳам ажаб эмас, деб жавоб беради. Худди шунингдек, бу тоифадаги одамлар: "Биз аниқ биламизки, зинокор кофир эмас" ва "Зинокор зино қилаётган вақтида



ундан имони кўйлагини ечган каби ечилади", деб ривоят қилган ровий, ажаб эмаски, ростгўй бўлса, биз уни ёлғончи ҳисобламаймиз, дейдилар. Шунингдек, улар: "Биз имкони бўлатуриб, ҳаж қилмасдан вафот этган бандани мўмин деб атаймиз, унга жаноза ўқиймиз, мағфират тилаб дуо қиламиз ва унинг учун ҳажжи бадал амалини адо этамиз, яхудий қавмида ва ёки масиҳий қавмида вафот қилибди, дейдиганларни ҳам ёлғончига чиқармаймиз", дейишади. Бундай тоифадаги одамлар шиалар, хаворижлар ва муржиаларнинг айтганларини инкор этадилар, аммо уларнинг сўзларини айтадилар.

Бу уч тоифанинг сафсаталарини рост дегувчилар ҳам, ёлғон деб ҳисоблайдиганлар ҳам бор. Яна бу борада, Расулulloҳ (алайҳиссалом) айтганлар, деб ҳисоблаганлари ривоятлар келтиришади. Улар: "Биз, шубҳасиз, Аллоҳ таоло Расулини ихтилоф чиқариш, мусулмонлар бир-бирларининг юзларини тирнашлари учун эмас, балки раҳмат этиб, тарқалганларни бирлаштириш, иттифоқни кучайтириш учун юборганини биламиз, дейишади ва ихтилофлар ривоятларнинг турли-туманлиги боис рўй бергандир, уларнинг носих ва мансухлари бор, деб ўйлайдилар-у, ривоятларни қандай эшитган бўлсак, шундай ривоят қиламиз, дейишади. Хайф уларгаки, оқибатларига тегишли ишларга оз аҳамият берадилар, одамлар олдида баъзи мансух бўлган нарсаларни айтадилар. Ваҳоланки, бугунги кунда мансухларга амал қилиш залолатдир. Чунки одамлар мансухларга амал қилсалар, залолатга кетадилар.

Бизга маълумки, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бир оятни ҳеч қачон икки хил тафсир қилмаганлар, барча инсонларга носих оятларни носих ва мансухларни мансух, деб тафсир этганлар. Носих ва мансух масаласи фақат амр ва наҳийга оид оятларга дахлдордир. Хабар ва сифатларнинг ҳеч бирида мансух йўқдир.

Ўзбекистон Мусулмонлари Идораси



Малайзиялик меҳмонлар

Шу йилнинг 15 май куни мамлакатимизга келган Малайзия парламенти Вакиллар палатаси спикери Тан Сри Дато Рамли бин Нгах Талиб жаноблари раҳбарлигидаги меҳмонлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасида бўлишди.



Юқори мартабали меҳмонларни қабул қилган Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов диний идора фаолияти, истиқлолдан сўнг юртимизда эришилган ютуқлар, шунингдек, Республика ҳукумати томонидан мусулмонларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида мухтасар гапириб берди.

Ўша куни меҳмонлар ЎМИ кутубхонаси билан ҳам танишдилар.

Солиҳ Ҳошим билан мулоқот



Шу йилнинг 16 май куни араб университетлари уюшмаси раҳбари доктор Солиҳ Ҳошим Ўзбекистон мусулмонлари идораси-

да қабул қилинди. Самимий мулоқот чоғида идора раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов мустақил юртимизда диний билим олиш учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапирди. Шунингдек, араб давлатларидаги ўқув юртлари билан яхши алоқалар ўрнатилгани ҳамда уларда билимдон ва истеъдодли ўзбек талабалари тахсил олишаётганини алоҳида таъкидлади.

Солиҳ Ҳошим мамлакатимизга ташрифи чоғидаги таассуротларини сўзлаб берди. Ислom равнақиға буюк ҳисса қўшган улуг аждодларимиз, жуда бой маданий тарихға эға шаҳарларимиз ҳақида тўлқинланиб гапирди. Бу заминни зиёрат қилиш насиб этганидан хурсанд эканини билдирди.

Қуръон мусобақаси

Юртимизда Қуръон мусобақалари ўтказиш яхши анъанаға айланиб қолди. Зеро, Қуръон нур, унга интилишимиз табиий. Шу йилнинг 16—17 май кунлари Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислom институтида қори ва қорияларнинг республика миқёсидаги Қуръон мусобақаси ўтказилди. Мусобақани табрик сўзи билан очган Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов Қуръони каримни зийнатлаб ўқиш нақадар юксак фазилат эканини таъкидлаб, мусобақа иштирокчиларига муваффақиятлар тилади.



Қорилар мусобақасига юқори талаблар билан ёндашилди. Шу боис бўлса керак, биринчи ўринларға муносиб номзодлар топилмади.

Мураттаб қорилар ўртасида иккинчи ўрин Набиддин Жалиловға (Андижон вилояти) учинчи ўрин "Кўкалдош" мадрасаси талабаси Фуломжон Сиддиқовға насиб этди, мужаввид қори ва қориялар беллашувида иккинчи ўринни Мусожон Воҳидов (Мир

Араб) ва Зулфия Раҳматуллаева (Хадичаи Кубро) эгаллади. Имом Бухорий номидаги ҳадис илми маркази (Самарқанд) талабаси Азиз Ҳамроев ва Жўйбори Калон (Бухоро) мадрасаси талабаси Шаҳноза Шоюсуповалар учинчи ўринга муносиб кўрилди. Мусобақа ғолибларига қимматбаҳо мукофотлар ва эс-далиқ совғалари берилди.

Кўчма йиғин

Шу йил 24 май куни Китоб шаҳридаги Хожа Бухорий мадрасасида ўқув йили яқунларига бағишланиб Президент девони, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний



ишлари бўйича қўмита вакиллари ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси таълим бўлими масъул ходимлари иштирокида Тошкент Ислом институти ва Ислом ўрта-маҳсус билим юртлари раҳбар ва мударрисларининг кўчма йиғини бўлди. Йиғинда мадрасаларда таълимни тубдан ислоҳ қилиш ҳамда диний ўқув дастурлари ҳанафий мазҳабига мос бўлишига эришиш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Шундан кейин меҳмонлар Хожа Бухорий мадрасаси мударрисларининг бир соатлик очиқ дарсига қатнашиб, фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Битирувчилар билан суҳбат



Имом Бухорий номидаги ҳадис илми марказини бу йил йиғирма бир нафар талаба битириб чиқади. Май ойи охирида Ўзбекистон мусул-

монлари идораси масъул ходимлари ҳамда Самарқанд вилояти вакиллиги мутасаддилари ушбу мадрасада бўлишиб, битирувчилар билан суҳбатлашишди. Келгусида уларнинг қайси масжидларда иш бошлашларини эълон қилишди. Бу ёшлар битирув имтиҳонларини топшириб, баъзилари олий ўқув юртларида

ўқишни давом эттиришса, аксарияти диний ташкилотларда иш бошлашади.

Ҳажга тайёргарлик

Ўзбекистон мусулмонлари идорасида навбатдаги ҳаж сафарига тайёргарлик ишлари шу йилнинг феврал ойиданоқ бошланган эди. 2006 йилнинг 22—28 май кунлари Саудия Арабистонида бўлган Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов Ҳаж вазирлиги мутасаддилари билан музокаралар олиб борди. Иншааллоҳ, бу йил муборак ҳаж ибодатини адо этиш, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) равазаларини зиёрат қилиш чоғида юртдош ҳожиларимизга янада қулай шароитлар яратилади.

Имомлар ўқуви

Шу йилнинг апрел ойидан бошлаб Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташаббуси билан ҳар ойда бир марта туман ва шаҳар имом-хатиблари ўқуви ташкил этилди. Ўқув иштирокчилари дунё ва юртимиз ҳаёти, тарихи ва бугуни, динимизнинг энг долзарб масалалари ҳақида олимларнинг маърузаларини тинглайдилар. Бир-бирлари билан фикр алмашиб, яхши ишлар омаштирилади.




Шу йилнинг 30 май куни

Тошкент Ислом университетида имомлар ўқувининг навбатдагиси бўлди. Ўқувга келган мамлакатимиз туман ва шаҳарлари имом-хатиблари тарих фанлари доктори Саидақбар Аъзамхўжаевнинг "Истиклол сари машаққатли йўл" (Ўзбекистон тарихидан), Президент девони ходими Нуриимон Абулҳасаннинг "Мутаассиб гуруҳлар иддаосига раддиялар", шайх Абдулазиз Мансурнинг "Қуръони каримнинг маъно таржималари ва тафсир илми" мавзуидаги маърузаларини тинглашди.

Ўқув орасида пойтахтдаги қатағон қурбонлари хотирасига барпо этилган шаҳидлар хиёбонига зиёрат уюштирилди.

Исломиддин ЗУХРИДДИНОВ
тайёрлади



НАВОИЙ ШАҲРИДА ЯНГИ ЖОМЕЪ

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳамма асарлари одамларга Ҳақни танитиш, англиштиш йўлида беназир хизмат қилади. Шу боис уларни ўқиганимиз сари қалбларимиз обод бўлади, руҳиятимиз нурга тўлади. Манбаларда қайд этилишича, ҳазрат Навоий ҳар доим эл-улус ғамиде яшар, мусулмонлар Аллоҳнинг марҳаматига муносиб ибодат қилишлари учун яхши шароитлар бўлишини ўйлар эди. У Хуросонда ўз ҳисобидан йўл ва кўприклар, ҳаммом ва карвонсаройлар, шифохона ва мадрасалар қаторида қирқдан ортиқ масжид ҳам бунёд эттирган.

Ҳазрат Навоийнинг муборак анъаналари бугун ҳам давом этмоқда. Шу йил 24 март жума куни Навоий шаҳрида янги жомеъ масжиди очилди. Унга ҳазрат Алишер Навоий номи берилди.

Қизилқум чеккасидаги бу навқирон шаҳарга илк пойдевор қўйилганига бу йил ярим аср тўлади. Одамларини танти, бағри бойликларга кон бу тупроқ совет давлати тўраларининг кўзини ўйнатганидан қатор-қатор кимё ва бошқа саноат корхоналарини қуриб ташлашган эди. Оқибатда ери, суви, ҳавоси булганган, ҳатто шаҳарда ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум маҳал-

лий аҳолининг бор дарди ичида эди.

Истиқлолдан кейин навоийликлар ҳам миллий-диний қадриятларни тиклашга қаттиқ бел боғлашди. Дастлаб вилоят марказида кўркем "Алишер Навоий боғи" барпо этилди. Унинг очилишига 2001 йил 24 август муборак жума куни Ўзбекистон Республикаси президенти Ислам Каримов ташриф буюрди. Ҳаяжонли ва унутилмас дамларда юртбошимиз бир гуруҳ навоийлик, карманалик отахонлар билан суҳбатлашди, истакларини сўради. Шундан нуронийлар юракларидаги орзуни — Навоий шаҳрида

масжид барпо этиш илтимосини айтишди. Президентимиз Навоийда жомеъ масжиди албатта қурилади, дедилар. Қурилиш ўша йилиёқ бошлаб юборилди.

Масжид асосан ҳашар йўли билан тикланди. Фақат навоийлик қурувчилар эмас, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Қарши, Андижондан келган моҳир усталар ҳам масжидни тиклаш, пардозлаш ишларида қарийб уч йил тер тўкишди.

Масжид қурилишига Навоий вилоятидаги деярли барча ташкилотлар, яхши ниятли ҳар бир киши ҳиссасини қўшди. Қизилқум цемент заводи цемент, Қизилтепа ғишт корхонаси ғишт, Нурота-Ғазгон кончилари мрамар инъом этишди. "Зилола" пойдевор корхонаси масжидни тиклаган бўлса, электрокимё заводи таҳоратхонани қуриб берди. Қисқаси, эшик, дераза, қандил, гиламларгача ҳадя қилинди. Бунда "Навоийшамс" ва шунга ўхшаш турли хусу-

сий корхоналар раҳбарлари ҳам саховат кўрсатишди.

Масжид ҳудуди бир гектардан анча катта. Биноси икки қават, айвонли, равоқлари бор. Доирасимон асосий хонақоҳда бир йўла бир минг етти юз киши намоз ўқиши мумкин. Хонақоҳда кутубхона ҳам солинган. Каттагина масжид ҳовлисига тол, мажнунтол, терак, арча ва бошқа манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилган. Гулзорлар оралаб қўйилган нақшин ёғоч сўрилларда, айниқса, қибла тарафда бунёд этилган мўъжаз айвонча чорпояларида илм суҳбатлари қуриш, амри маъруф, наҳйи мункар тинглаш жуда қулай. Ҳовли ўртасида фавворали ҳовуз, унинг ўнг тарафида таҳоратхона, чап тарафида Ўзбекис-



тон мусулмонлари идораси Навоий вилояти вакиллиги қабулхонаси жойлашган. Шу биноларнинг орқа ва ён томонларида ҳам очиқ майдонлар бор. Ҳайит ва жума кунлари бу жойларда ҳам бемалол намоз ўқиш мумкин.

Шу йилнинг 18 май куни президентимиз Ислоҳ Қаримов Навоий вилоятига қилган ташрифида янги масжидни ҳам зиёрат қилди. Навоий ва карманалик табаррук отахонлар, ҳожи боболар билан учрашди. Улар масжидда яратилган шарт-шароитлардан хурсанд эдилар. Бу отахонлар мустақиллигимиз давомий бўлишини, диний-миллий қадриятларимиз юксалаверишини сўраб дуо қилишди.

Кейинги эллик йил ичида бутун бир шаҳарда ҳеч эшитилмаган азон товуши энди ҳар куни беш маҳал янграб, ибодатга чорлай бошлади. Ҳар тонг кишилар азон товушидан уйғониб, бомдодга шошиладилар, сўнг тирикчиликлари сари отланадилар. Тилагимиз шуки, бу ҳақли, мукаммал нидо Навоий шаҳридаги "Ҳазрати Алишер Навоий" жомеъ масжиди минораларидан қиёматгача бардавом янграб турсин.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ



ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Ташкилот назорат қилиб боради



Ислом Конференсияси Ташкилоти (ИКТ) Бош котиби Акмалиддин Эҳсонўгли ташкилотга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг бўлажак 33-анжумани олдида ўтказилган учрашув қатнашчиларига мурожаат қилди. Унинг айтишича, ИКТ доирасида Ислом

билан қўрқитиш ҳолларини бутун дунё бўйлаб назорат қилувчи янги тизим ташкил этилади. Бундай тизимнинг тузилиши ташкилотда ўтказилиши режаланган ислоҳотларнинг бир қисмидир. Бу ислоҳотларнинг асосий мақсади "Гап-сўзлардан амалий ишга ўтишдир", деди ИКТ Бош котиби.

IslamOnline.Com

Британия "йўлдаги томошалар"га тайёрланмоқда

Британия мусулмонлари "Йўлдаги томошалар" деб номланган тадбир ўтказишни режалаштирмоқда. "Ал-Ақсо масжиди дўстлари" жамоат ташкилоти томонидан тузилган лойиҳага мамлакат ҳукумати ҳомийлик қилмоқчи. Лойиҳа доирасидаги биринчи тадбир яқин орада Шотландиянинг энг катта Глазго шаҳрида ўтади. Кейинроқ Лондон, Бредфорд ва Англия шимолидаги бошқа шаҳарларда ҳам ана шундай тадбирлар ўтказиш мўлжалланмоқда.

Ташкилотчилар режасига кўра, бу лойиҳанинг асосий мақсади мамлакатдаги Ислом жамоати дуч келаётган муаммоларга эътиборни жалб этишдир. "Йўлдаги томошалар" давомида мусулмонларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтириб берилади. Бундан ташқари, тадбир ташаббускорлари Ислом динидагилар Британия ташқи сиёсатининг хатолари учун ба-

логардон бўлишдан чарчашганини ҳукуматга эслатиб қўйиш ниятидалар.

IRNA

Муслима тадбиркорлар танлови

Ислом Тараққиёт Банки муслима тадбиркорлар ўртасида ўтказилган танлов ғолибларини эълон қилди. Мустақил танлов ҳайъати хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва равнақ топтиришда энг яхши натижаларга эришган аёлларни аниқлади.



Бош мукофотни икки фаластинлик аёл — Калкимийя шаҳридаги тикувчилик корхонаси раҳбари Фотима ал-Жадаа ва Азрақ ал-Худудийя қишлоғидаги сут заводи эгаси Навофа ал-Файз қўлга киритишди. Ҳайъат уларнинг корхоналар ташкил этиш ва ривожлантириш, кам даромадли кўплаб аёлларни иш билан таъминлашдаги хизматини юқори баҳолади. Ғолибларга мукофотлар Қувайтда, банкнинг йиллик якуний анжуманида топширилади.

IINA

Русия ёш мусулмонлари анжумани

Май ойи охирида "Инсонпарварлик қадриятлари ва Русия мусулмон ёшлари" мавзуида конференция бўлиб ўтди. Тадбирни Русия муфтийлар Кенгаши ташкил этди. Анжуманнинг мақсади Русияда ёш мусулмонларнинг фаолиятини жонлантиришдир. Тадбир давомида ёш мусулмонларнинг мамлакат диний-маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, Русия Федератсиясида исломий ёшлар ҳаракатини ривожлантириш истиқболлари каби масалалар кўриб чиқилди. Шу муносабат билан Русияда мусулмон ёшлар ташкилоти тузиш имконияти ҳам муҳокама этилди.

Islam.ru

Пекинда Хитой мусулмонлари конгресси



Пекинда Хитой мусулмонларининг саккизинчи конгресси бўлди. Унинг ишида Хитойнинг 20 миллионли мусулмон аҳолисида ўн та этник гуруҳ вакиллари, 360 дан ортиқ делегат иштирок этди. Анжуман қатнашчиларини Хи-

тойнинг юқори мартабали амалдорлари, жумладан, Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши доимий кўмитаси раиси муовини Исмоил Аҳмад табриклашди. Расмий маълумотларга кўра, Хитойнинг мусулмон аҳолиси асосан Гансу, Синхай вилоятларида, Нинся-Хуэй ва Шинжон уйғур автоном ўлкаларида яшайди, мамлакатнинг барча ҳудудларида камсонли Ислом жамоалари бор.

KUNA

Қатлиом жазосиз қолмайди

Ҳарбий жиноятлар бўйича Бўсна трибуналида 1995 йили Сребренница шаҳрида саккиз минг мусулмоннинг қатл этилишига дахлдорликда айбланаётган ўн бир нафар Бўсна серблари устидан маҳкама жараёни бошланди. Бу ўтган йили иш бошлаган ҳарбий маҳкаманинг қатлиом борасидаги биринчи ишидир.

Полициянинг махсус бўлинмаси собиқ зобитлари ва ходимлари уруш бўлиб турган жойдан қочишга уринган 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган бир мингдан зиёд мусулмонни ўлдирганликда айбланмоқда. Прокурор маълумотларига кўра, айбланувчилардан саккиз киши одамларга автоматдан ўқ узган, бири киши қўл гранатаси отган, қолганлари қуролларни ўқлаб бериб туришган.

Газета.Ru

Русиянинг ёрдами

Русия ҳукумати Фаластин миллий маъмурияти ҳисобига 10 миллион доллар ёрдам пули ўтказди. Шу муносабат билан РФ Ташқи ишлар вазирлиги баёноғида: "Фаластин ҳудудларида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда вазият ёмонлашгани муносабати билан Русия ҳукумати 10 миллион доллар миқдорда молиявий ёрдам кўрсатади", дейилади. Бу маблағ камбағал аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларига сарфланади.

Маълумки, Фарб мамлакатлари ХАМАСнинг сайловдаги ғалабаси муносабати билан Фалас-

тинга иқтисодий бойқут (қамал) эълон қилишган эди.

Фаластин ахборот маркази

Москвада қорилар мактаби

Москва Ислом университети қошида Куръон ҳофизлари мактаби иш бошлади. Бундан мақсад ўқитишнинг самарали услубларини қўллаб, нисбатан қисқа муддатларда қорилар етиштиришдир.

Мактабга "Умма" нашриёт уйи ҳомийлик қилади. Ҳозирча уч фан — тажвид, таҳфиз ва араб тили ўргатилмоқда. Тингловчиларга Тожикистон, Сурия ва Туркиядан келган Куръон ҳофизлари сабоқ беришяпти. Келгусида Куръон ўқишни ўрганувчи аёллар гуруҳини ҳам ташкил этиш режаси тузилган.

Islam.ru

Халқаро исломий қурилиш банки

Яқин фурсатда Халқаро исломий қурилиш банки иш бошлайди. Бу ҳақда лойиҳа ташаббускори Ислом савдо-саноат палатаси раиси Солиҳ Комил баёнот берди.

Шимолий ва Шарқий Африка Ислом давлатлари савдо-саноат палаталарининг Искандария шаҳрида ўтган учрашуви якунида нутқ сўзлаган Солиҳ Комил тўрт исломий молия агентлиги сайёҳлик, инвестициявий ва бошқа компаниялар ташкил этиш учун 500 милён доллар маблағ ажратишга тайёр эканини маълум қилди.

ИНА

"Исломий саккизлик"

янги лойиҳа тузмақда



Д-8 гуруҳи, яъни, "исломий саккизлик" - ка кирувчи мамлакатлар ядро қувватидан тинч мақсадларда фойдаланиш масалаларига оид Индонезия тайёрлаган қарор лойиҳасини муҳокама қилди. Саккизлик вакиллари-

нинг бешинчи саммити Индонезиянинг Бали оролида ўтди.

Индонезия ташқи ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, саммитда энергетика хавфсизлиги, энергиянинг муқобил манбаларини ривожлантириш каби масалалар кўриб чиқилади. Эрон, Индонезия, Бангладеш, Миср, Малайзия, Нигерия, Покистон ва Туркия Д-8 гуруҳига аъзо давлатлардир. Бу ташкилот 1997 йили йирик му-

сулмон мамлакатлари ўртасида савдо-сотиқни ривожлантириш мақсадида тузилган эди.

Islam.ru.

Бош вазирнинг айтганлари



Д-8 гуруҳи мусулмон мамлакатлари ҳамдўстлигини мустақамлашда муҳим ўрин тутаети, деа таъкидлади Покистон бош вазири Шавкат Азиз. Аммо унинг фикрича, мазкур ташкилот савдо-иқтисодий, хавфсизлик ва террорчиликка қарши курашда мавжуд имкониятларини тўла ишга солаётгани йўқ.

Шавкат Азиз яна, Покистон ва Индонезия ўртасида жуда қадимдан яхши муносабатлар ўрнатилганини ҳамда Исломобод ядровий технологияларни тинч мақсадларда ривожлантириш бўйича Жакартага ёрдам беришга тайёр эканини таъкидлади. Шунингдек, Покистон Индонезиянинг БМТ хавфсизлиги кенгашига доимий аъзо бўлиб киришини қўллаб-қувватлайди, деди бош вазир.

"Жакарта -пост"

Зиддиятга сабаб нима?

АҚШнинг собиқ давлат котиби Мадлен Олбрайт айтишича, президент Жўрж Буш халқаро сиёсат масалалари муҳокамасида "мутлақ насронийча хитоб" услубига ўтиб, нотўғри қилмоқда. "Мен икки президентнинг (демократлар Жимми Картер ва Билл Клинтон) раҳбарлик йилларида ишладим. Иккаласи ҳам диндор бўлса-да, ўз диний қарашларини АҚШ сиёсатининг бир қисмига айлантормаган эди. Жўрж Бушнинг бундай диний "жўшқин"лиги Ислом олами билан зиддиятга олиб келиши мумкин", деди собиқ давлат котиби.

Reuters

Тинчлик йўлида



Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) Ироққа ўз қўл остидаги тинчликпарвар кучлардан юбориш имкониятини қидирмоқда. Шармал-Шайх шаҳрида ўтган Бутунжаҳон иқтисодий анжуманида Малайзия бош вазири Абдулло Аҳмад Бадавий шу ҳақда маълум қилди. Бадавий бу кучлар тузилиш жиҳатидан Бўсна ва Ҳерсекдаги урушни бости-

ришда ҳал қилувчи иш қил ган ҳарбий қисмларга ўхшайди, деа таъкидлади.

Малайзия бош вазирининг фикрича, АҚШ бошлиқ чет эллар бирлашма қўшинларининг Ироқда туравериши бундан кейин ҳам безовталик туғдираверади, ижтимоий вазиятни янада оғирлаштиради. Шу боис Ироқда тинчлик ўрнатишининг янги чораларини ахтариб топиш лозим.

Islam News

Эрдўғаннинг чақириғи

Туркия Бош вазири Ражаб Тоййиб Эрдўган Фарб давлатларини ҲАМАС ҳаракатига муносабатини қайта кўриб чиқишга ва Фаластин раҳбариятидан қамални олиб ташлашга чақирди. Туркия раҳбари таъкидлашича, Фарб 1993 йили Осло битими имзоланиши олдидаан Ёсир Арафотни яқкалатиб қўйишга уриниш билан йўл қўйган хатосини такрорламоқда. "Чекловлар фаластинликларни муҳтожликнинг шундай даражасига олиб бориши мумкинки, бу нараса уларда нафратдан бошқа кайфият туғдирмайди", деди Туркия Бош вазири Мисрнинг Шарм аш-Шайх шаҳрида ўтган халқаро иқтисодий анжуманда сўзга чиқиб. Унинг фикрича, бу ҳолат янада оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Islam News

Русиянинг Яқин Шарқдаги обрўйи осяпти

Белоруссияга бораёттиб Москвада тўхтаб ўтган Сурия Араб ижтимоий уйғониш партияси раҳбарининг ўринбосари Абдуллох Аҳмар журналистлар билан учрашувда Русиянинг Яқин Шарқдаги обрўйи ошиб бораётганини таъкидлади. Унинг айтишича, "Русия халқаро майдонда аввалги мақомига кўтариляпти ва сиёсий зўравонликка қарши чиқяпти. Аҳмарнинг фикрича, Москванинг муаммоларни иккиюзламачилик қилмай, тинч йўл билан ҳал этишга уринаётгани муҳим. "Русия Яқин Шарқда ўз обрўйига эга ва ушбу ҳудуд равнақиға ҳиссасини кўшмоқчи", деди у.



РИА-Новости



Хурматли таҳририят ходимлари!

Мен юртимизда диний таълим берадиган ўқув юртлари, уларга кириш учун топшириладиган ҳужжатлар, кириш имтиҳонлари, ўқитиладиган фанлар, қандай мутахассислар тайёрланиши ҳақида билишни истар эдим.

Муҳибулло ТҶХТАБОЕВ,
Наманган

Бундай сўровларга жавоб олиш учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси таълим ва кадрлар тайёрлаш бўлимига мурожаат қилдик.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИГА ОЗ ҚОЛДИ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **"Биладиганлар билмайдиганлар билан тенг бўлурми?"** Дарҳақиқат, илм тўғри йўл маёғи бўлгани боис, уни топган кишининг мартабаси Ҳақ наздида ҳам, халқ наздида ҳам баланд бўлади. Табиийки, илм устозлардан ўқув даргоҳларида олинади.

Ҳозир юртимизда битта олий Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти ҳамда ўнта Ислом ўрта-маҳсус билим юрти фаолият кўрсатяпти. Тошкентда Кўкалдош ва Ҳадичай Кубро, Бухорода Мир Араб ва Жўйбори Калон, Нукусда Муҳаммад Беруний номидаги, Самарқандда Имом Бухорий номидаги Ҳадис илми маркази, Наманганда Мулла Қирғиз, Хоразмда (Хонқа) Фахриддин ар-Розий номидаги, Китобда Хожа Бухорий, Андижонда Саййид Муҳйиддин Махдум мадрасалари бор. "Ҳадичай кубро" ва "Жўйбори калон" аёл-қизлар диний билим юртлари ҳисобланади. "Хожа Бухорий" мадрасасида ҳам алоҳида аёл-қизларга билим берадиган бўлим очилган. Бу билим юртларини битириб, олий маълумот олишни истаган хотин-қизлар Тошкент Ислом институтининг аёл-қизлар бўлимида ўқишлари мумкин.

Ушбу диний ўқув юртларини битирганлар имом, араб тили ва одобнома фани мураббийи,

институт битирувчилари эса имом-хатиб ва исломшунос бўлиб етишадилар.

Тошкент Ислом институтига ва Ислом ўрта-маҳсус билим юртларига ўқишга қабул қилиш "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуннинг 9-моддаси, Давлат таълим стандартлари талабларига асосан Ўзбекистон мусулмонлари идораси ишлаб чиққан тартибда амалга оширилади.

Ўқиш кундузги. Муддати тўрт йил. Институтга тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган ёки ўрта-маҳсус маълумотли 17 ёшдан 35 ёшгача, ўрта-маҳсус билим юртларига эса 15 ёшдан 35 ёшгача умумий мажбурий ўрта маълумоти бўлган фуқаролар синов ва танловлар асосида қабул қилинади.

Талабгорлар ректор ёки билим юрти мудирини номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат: шаҳодатнома ёки Ислом ўрта-маҳсус билим юртини битиргани ҳақида диплом (асли), яшаш жойидаги масжид имомидан йўлланма, соғлиғи ҳақида тиббий маълумотнома (086-шакл), 6 дона 3х4 ҳажмда фотосурат, туғилгани ҳақида гувоҳнома ёки паспорт нусхаси (асли кўрсатилади), яшаш жойидан маълумотнома, ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат тақдим этишади.

Ариза ва ҳужжатлар қабул ҳайъати томонидан 20 июндан

20 июлгача (ўша куни ҳам) қабул қилинади. Маънавият ва маърифат бўйича суҳбатдан муваффақиятли ўтганлар имтиҳонларга қўйилади. Қабул имтиҳонлари давлат тилида ўрта мактаб дастурлари асосида ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 март 130-сонли қарорига мувофиқ институт ва билим юртларига қабул Ўзбекистон мусулмонлари идораси гранти (40 фоиз) ва шартнома (60 фоиз) асосида амалга оширилади.

Қабулни юқори даражада ўтказиш учун институт тайёрлов курслари ташкил қилиши мумкин.

Бу илм масканларига кирувчилар ўзбек тилидан ёзма иш (диктант), чет тили ва Ўзбекистон тарихи фанларидан тест топширишади. Имтиҳонлар 1—10 август кунлари ўтказилади.

Тошкент Ислом институти ва мадрасаларда таълим давомида талабалар умумтаълим фанлари қаторида Қуръон ва тажвид, ақоид, фикҳ, тафсир, ҳадис, Ислом тарихи, динлар тарихи, ўзбек мумтоз адабиётида Қуръон мавзулари, мазҳаблар ва йўналишлар, араб тили, хатоба, эски ўзбек ёзуви каби диний фанларни чуқур ўрганадилар.

ЎМИ таълим ва кадрлар тайёрлаш бўлими

Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Бола тарбияси энг муҳим ишлардандир. Фарзанд ота-онага омонат. Бола қалби пок, нозик, содда ҳамда ҳар қандай нақш ва суратдан холи гавҳардир. Унга қандай нақш солинса, шунга кўра шаклланади, хоҳлаган томонга эгилади. Агар бола яхшиликка ўрганиб, яхшилик ичида вояга етса, дунё ва охират саодатини топади. Албатта бу савобга унинг ота-онаси, муаллими ва тарбия берган ҳар бир киши шерикдир.

Агар бола эътиборсиз ташлаб қўйилса, ёмонликлар ичида ўсса, бадбахтликка юз тутади ва ҳалок бўлади. Бунда гуноҳ юки болани шу қўйга солганларнинг, ота-онанинг зиммасига юкланади.

Улуғ ва қудратди Аллоҳ таоло дейди: **"Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оилаларингизни дўзахдан сақлангиз"** (*Таҳрим, б*).

Фарзанд дунёга келган илк кунлариданоқ кузатув остида бўлмоғи лозим. Болани эмизиш ва мураббийлик ишлари диёнатли, ҳалол аёлгагина ишониб топширилиши мумкин. Чунки ҳаромдан ҳосил бўлган сутда барака йўқ. Агар ундан эмса, боланинг қонига ҳаром аралашади ва табиати ҳаромга мойил бўлиб қолади.

Яхши-ёмонни фарқлаш ҳисси болада шакллана боргани сайин кузатувни кучайтириш лозим. Бунинг биринчи белгиси - унда ҳаёнинг илк нишонлари кўрина бошлайди. Шунчаки тортиниб туриш ҳали ҳаё эмас. Балки ақл нури ёришган сари бола баъзи ишларнинг бошқасига зид эканини кўради, хунук деб топган ишларни қилишдан уяла бошлайди. Бу Аллоҳ таолонинг унга ҳадяси, хулқининг поклигидан, қалбининг софлигидан дарак берувчи башорат, ақлининг камолга етаётганидан хушхабардир.

Ҳаёли болани эътиборсиз ташлаб қўйиш ярамайди. Балки унга ҳаё одобини ўргатиш билан ёрдам бериш керак.

Кўпинча болаларда таомга очкўзлик билан ташланиш туйғуси ғолиб бўлади. Бунда тарбия таом ейиш одобидан таълим бериш билан бошланади. Масалан, таомни ўнг кўзда ейиш, "Бисмиллаҳ" билан бошлаш, катталардан олдин лаганга қўл чўзмаслик ва таомни фақат ўзининг олдида олиш, еяётган кишининг оғзига қарайвермаслик, шошмасдан, яхшилаб чайнаб ейиш, луқмани оғзига кетма-кет тикавермаслик, таом юқини кийимига артмаслик, баъзан зиравор ёки ширинликларсиз қуруқ ноннинг ўзини ейишга одатланиш қабиларни ўргатиш лозим.

Шунингдек, кўп таом ейишнинг ёмонлиги, кўп ейиш ҳайвонларга хос хусусият экани, одобли бола таомни кам ейиши, бориға қаноат қилиши, таом танламаслиги ҳақида гапирилса, бу ҳам тарбиядир.

Болада ранг-баранг ва ипакли кийимларга эмас, оддий оқ рангдаги кийимларга рағбат уйғотиш лозим. Ранг-баранг ва ипак кийимлар аёлларга хос экани, эркак киши бундай нарсалардан узоқроқ юриши болага бот-бот эслатиб турилиши керак. Ана шунда болада бундай кийимларни ёқтирмаслик туйғуси ҳосил бўлади.

Болани тўкин-сочинликдан, қимматбаҳо кийим кийиб ўсган болалардан, дабдабали ҳаётга рағбат уйғотадиганлар даврасига аралашиб қолишдан асраш зарур. Чунки вояга етаётган бола эътиборсиз ташлаб қўйилса, кўп ҳолларда унинг ахлоқи тубанлашувига сабаб бўлади. Натижада бола улғайгач, каззоб, ҳасадгўй, ўғри, чақимчи, қайсар, маҳмадона, енгилтак, маккор, беҳаё, ярамас бир кимсага айланиб қолиши мумкин.

Булардан сақланишнинг йўли — чиройли тарбия, мактабда дарс билан машғул бўлиш, Куръон ва ҳадис таълимини олиш. Солиҳ инсонлар ва уларнинг ҳаётлари ҳақида тингланган ҳикоялар бола қалбида муҳаббат уйғотади.

Қачон болада чиройли хулқ, мақтовга арзигулик бирор феъл содир бўлса, уни ҳурмат билан шарафлаш, кўнглини қувонтирадиган нарса билан тақдирлаш, кўпчилик орасида бу феълни айтиш зарур. Баъзи ҳолатларда бир марта феълга хилоф иш қилиб қўйса, уни кўрмаганга олиш фойдалироқ. Айниқса, бола бу ишини яширишга ҳаракат қилса. Чунки бола бундай ҳолда айбидан ортиқроқ жазога тортилиб қолса, жазо акс таъсир этиши, айбининг очилиб қолишига ўрганиб, хатога журъатли бўлиб қолиши мумкин.

Агар бола сиз кўрмаганга олган айбини яна такрорласа, у ҳолда унга яширин, яъни, ёлғизлигида танбеҳ бериш, бу ишнинг оқибати ёмон бўлишини уқтириш лозим. Лекин танбеҳнинг ҳаддан ошиб кетишидан сақланиш керак. Акс ҳолда, боланинг қулоғи маломатга, хунук сўзларга одатланиб, панд-насихатлар қалбига етиб бормайдиган бўлиб қолиши мумкин.

Бола тарбиясида отанинг қатъияти, сўзидан қайтмаслиги муҳим аҳамиятга эга. У ўзининг бу табиатини фарзандига доимо сездириб туриши зарур. Она ҳам ўз навбатида отанинг айнан шу хусусиятини бола ёдига солиб туриши,

шу тарзда фарзандини ёмонликлардан қайтариши керак.

Эрталабки уйқу болани ялқов қилиб қўяди. Кечкурун эртароқ ухлаш эса кони фойда. Тўшакнинг ҳаддан ташқари юмшоқ бўлиши гавданнинг эгилувчанлигини камайтиради, аъзоларнинг қотишига олиб келади. Семириш таомга рағбатни кучайтиради. Шунинг учун болани дағалроқ тўшакка, одмироқ либосга, оддий таомга ўргатиш энг аҳамиятли вазифалардандир.

Бола нимани яширин қилса, бу унинг ўша ишни ёмон деб билгани туфайлидир. Демак, унга ҳар бир ишни очиқ қилишни ўргатиш вожиб.

Бола дўстларига тавозуъ ва ҳурмат билан муомала қилишга одатланиши, ўзаро суҳбатларда меҳрибон ва мулоийм бўлиши лозим. Агар болалардан бири унга нимадир берса, гарчи у буни ўзига нисбатан ҳурмат деб билса ҳам, олишга одатланмаслиги зарур. Чунки устунлик олишда эмас, беришда! Олишда маломат ва тубанлик бор. Тамаъ қилиш хорлик, бу худди итнинг қилиғига ўхшайди: ит бирон лўкма илинжида думини ликиллапти доимо нимадир тамаъ қилади.

Кўпчилик ичида тупуриш, бурун қоқиш, эснаш, бировга орқа ўгириб ўтириш, оёқни оёққа чалиштириш, кафтни иякка тираш ярамас одатлардан ҳисобланади. Бошни елкага ташлаб туриш ҳам ялқовлик белгисидир.

Хоҳ рост, хоҳ ёлғон бўлсин, бола ёшлигидан қасам ичишга ўрганиб қолмасин. Сўзни аввал бошламасин, сўралган нарсагагина жавоб берсин. Суҳбатдоши ўзидан катта бўлса, унга қулоқ солсин. Чунки суҳбатдошнинг гапини бўлишдан кўра уни тинглаш чиройлироқдир.

Одобли бола йиғинларда катталарга жой беради, бефойда гаплардан тийилади, бировни сўкмайди, лаънатламайди. Болани дағал, сўкиниб гапирадиган, оғзи шалоқ кишиларга араллашиб қолишдан сақлаш керак.

Агар бола муаллимидан калтак эса шовқин-сурон кўтармасин, кимдандир ҳимоя кутмасин, балки сабр этсин. Бунинг учун унга босиқлик ботир ва эр кишиларнинг одати, дод-вой солиб, шовқин-сурон кўтариш эса қуллар ва аёлларга хос одат экани англатилади.

Боллага дарсдан сўнг чарчоқ ёзиш учун чиройли ўйинларга изн бериш мумкин. Лекин ўйин билан тинкаси қурийдиган даражада машғул бўлиб қолиши дуруст эмас. Шунингдек, болани ўйиндан буткул маҳрум қилиб, доимий таълимга мажбурлаш ҳам ярамайди. Бундай тақаллүф ёш қалбни ўлдиради, заковатни сўндиради, ҳаётдан бешиш туйғусини пайдо қилади. Фурсат бўлди дегунча бола танг шароитдан чиқиб кетиш учун ҳийла ахтарадиган бўлиб қолади.

Бола яхши-ёмоннинг фарқига боргани сайин таҳорат ва намоз тарқига узри йўқолади. Рама-

зонда тўлиқ бўлмаса-да, баъзи кунларида рўза тутишга буюрилади. Ипак кийимдан, тилло узук ва тиллодан ясалган бошқа нарсалардан ишлашдан қайтарилади. Умуман, бу пайтда болага шариат доирасида эҳтиёжи тушадиган барча нарсаларни ўргатиш зарур.

Болалар ўғрилиқ, ҳаром, хиёнат, ёлғон, бузуқлик каби иллатлардан қўрқитиб ўстирилади. Ёши улғайгани сайин болада бундай ишларнинг сирига етиш имкони кўрина бошлайди. Ўшанда унга шундай эслатиш мумкин: "Таомлар доридир. Уларни истеъмол қилишдан мақсад — барчамизни яратган Аллоҳ таолонинг тоатига қувват олиш. Дунё асл ватан эмас, чунки унда боқийлик йўқ. Ўлим дунё неъматини қирқади. Дунё ўткинчи бир қўналға, охират эса доимий қароргоҳдир. Ўлим — исталган соат келиши мумкин бўлган, кутилган нарса. Бу дунёда охират учун озиқ-ғамлаган киши ҳақиқий оқил ҳисобланади. Аллоҳ атоло ҳузурда бундай кишининг даражаси баланд, жаннатдаги насибаси янада кўп".

Пайғамбар (алайҳиссалом) айтадилар: "Ҳар бир гўдак (Ислом) фитратида туғилади. Лекин ота-онаси уни ё яҳудий, ё насроний, ё мажусий қилади" (*Муттафақун алайҳ*).

Саҳл ибн Тустарий бундай ҳикоя қилади: "Уч ёшимда эдим. Тунлари уйғониб кетиб, тоғам Муҳаммад ибн Сиворнинг намоз ўқишини кўзатардим. Бир куни тоғам менга:

— Сени яратган Аллоҳ таолони зикр қилмайсанми? — дедилар.

— Қандай зикр қиламан? — деб сўрадим.

— Ётаётганинда тилингни қимирлатмасдан, қалбдан "Аллоҳ мен билан бирга, Аллоҳ менга назар солувчи, Аллоҳ мени кўриб турувчи Зотдир", деб уч марта айтасан, дедилар.

Бу сўзларни кечалари айтаётганимни тоғамга билдирдим. У киши ҳар куни кечаси бу сўзларни етти марта қайтаришимни айтдилар. Буни ҳам бажардим. Кейин тоғам бу зикрни ҳар кеча ўн бир марта такрорлашимни айтдилар. Такрорладим, қалбимда бу сўзларнинг ҳаловатини туйдим. Бир йилдан сўнг тоғам менга:

— Ўргатганларимни ёдингда сақла, қабрга киргунингча бу сўзларни тилдан қўйма. Чунки бу зикрлар сенга дунё ва охиратда фойда беради, дедилар.

Икки йилдан сўнг бу зикрлардан ҳосил бўлган ҳаловат қалбимга сиғмай, тошиб чиқаётганини ҳис қилдим. Кунларнинг бирида тоғам:

— Эй Саҳл, Аллоҳ билан бирга, Аллоҳнинг назари остида, Аллоҳ кўриб турган қалб Аллоҳга итоатсизлик қилиши мумкинми? Аллоҳга осий бўлишдан сақлан, — дедилар".

Арабчадан
Рашид ЗОҲИД
таърифи

КАНАДА ДАВЛАТИ



Майдони: 9.970.610 кв. км.

Аҳолиси: 31 миллион киши

Пойтахти: Оттава

Маъмурий тuzилиши: 10 та вилоят, 3 та ҳудуд

Тузуми: Британия ҳамжамияти таркибидаги федерал давлат

Давлат бошлиғи: Британия қироличаси томонидан қўйилган бош губернатор

Иirik шаҳарлари: Монреал, Торонто, Ванкувер, Эдмонтон, Калгари, Виннипог, Квебек

Пул бирлиги: Канада доллари



Канадани уч томонидан сув — Шимолий Муз, Атлантика ва Тинч уммонлари ўраб олган. Ҳудуди катталиги жиҳатидан жаҳонда фақат Русиядан кейин туради. Арктикадаги бир неча ороллар ҳам унга қарашли. Канада ривожланган ва қудратли мамлакат.

Канада ҳудудида бундан қирқ минг йил муқаддам ҳозирги ҳинду ва эскимосларнинг аждодлари яшаган. Милоннинг тўққизинчи асрига келиб, илк оврупаликлар (викинглар) Канада соҳилларига етиб бориб, ўша ерда ўрнашиб қолишди. 1497 йили Англия қироли хизматида бўлган италиялик денгизчи Жон Кабот Кэйп-Бретон оролига бориб тушади ва бу ҳудудни Англия мулки деб эълон қилади. 1534 йили фаранг денгизчиси Жак Картие Авлиё Лаврентий бўғозига етиб боради ва бу ҳудудни ўрганиб чиққач, уни Франция ери деб маълум қилади. 1605 йилдан бошлаб

Канадани эгаллаш бошланади. 1663 йили пойтахти Квебек шаҳрида бўлган Янги Франция номли мустамлака ўлкаси ташкил топди. Ўн еттинчи аср охирига келиб, бу ерларга эгалик қилиш учун Англия билан Франция рақобатлаша бошлади. Фаранг армияси Етти йиллик урушда мағлуб бўлгач, Буюк Британия бутун Канада ҳудудига эгаликни қўлга киритди. 1848 йилда Канада ички ўз-ўзини бошқарув ҳуқуқини олади, орадан ўн тўққиз йил ўтгач эса

Канада федерацияси ташкил топади. Мамлакатнинг ҳозирги чегаралари йигирманчи аср бошларида шаклланган. 1931 йилдан Канада Британия ҳамжамияти таркибидаги тўла мустақил давлат ҳисобланади. У биринчи ва иккинчи жаҳон урушларида Англия тарафида туриб қатнашди. 1949 йили Канада НАТО блокнинг ташкилотчиси бўлди, 1967 йили Канада федерациясининг юз йиллиги кенг нишонланди.

Канада иқтисодиёт ривожига, аҳоли жон бошига ялпи маҳсулот чиқариш ва турмуш даражаси бўйича дунёда етакчи ўринларда туради. Мамлакат рух (дунёда биринчи), никел (иккинчи), мис (учинчи), уран, алюмин, олтин ишлаб чиқаришда ҳам олдинги сафларда. Шунингдек, мамлакатда нефт, газ, қоғоз, ёғочни қайта ишлаш, рангли металл-созлик, автомобилсозлик саноати ҳам жадал ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалигида бугдой, арпа, мева-сабзавот-



лар, каноп, гўшт, сут етиштирилади. Уммонлар ва кўлларда балиқ овлаш яхши йўлга қўйилган. Электр қувватининг олтмиш фоизини кучли гидроэлектростансиялар беради. Канада ишлаб чиқарилган кўпгина маҳсулотлар хоризгга чиқарилади. Асосий савдо шериклари АҚШ, Буюк Британия, Олмония, Япония, Хитой, Мексика, Жанубий Курия каби етакчи мамлакатлардир.

Аҳолининг 45 фоизга яқини инглиз, 29 фоизи франг, 23 фоизи эса италиялик, немис, ҳолланд, поляк, можор ва украин каби оврупа миллатларидан иборат, Уч фоизини эса тубжой аҳоли, яъни, ҳинду ва эскимослар ташкил этади. Бу ҳолат уларнинг диний таркибига ҳам таъсир ўтказган. Аҳолининг 46 фоизи католик, 95 фоизи протестант, 16 фоизи бошқа черков вакиллари, қолганлари эса мусулмонлар, буддачилар, яҳудий диндагилардан иборат.

Канадада мусулмон муҳожирлар ва туб канадаликларнинг Ислонни қабул қилишлари ҳисобига мусулмонлар сони йилдан-йилга кўпайиб борапти. Агар бу ерда 1981

йили 98 минг мусулмон рўйхатга олинган бўлса, 1991 йилга келиб бу рақам 253 мингга етди. Ҳозирги пайтда эса мамлакатда 500 минг мусулмон истиқомат қиляпти. Уларнинг фаолиятини

1952 йилда ташкил этилган "АҚШ ва Канададаги исломий жамиятлар федерацияси" бошқариб туради. Бу ташкилот Халқаро Ислон лигаси ва Халқаро Ислон конгресси каби нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатган. Шунингдек, 1963 йилдан буён мусулмон талабаларнинг Халқаро Ислон федерацияси таркибига кирувчи АҚШ ва Канада ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатапти.

Хорижий исломий ва хайрия ташкилотлари ёрдамида мамлакатнинг барча вилоятларида муҳташам масжидлар, намозхоналар, Ислон марказлари қурилган. Масалан, Канаданинг Янги Шотландия вилоятида бундан икки йил муқаддам барпо этилган исломий маданият маркази




йигирма гектар майдонни эгаллайди. Ушбу марказ таркибида масжид, мажлислар зали, йирик кутубхона ва кўплаб ўқув хоналари мавжуд. Бундай марказларда мусулмонлар беш вақт намозни жамоат бўлиб ўқишдан ташқари араб тили, Ислон асослари, шариат қонунларини ўрганишади. Ислоний марказлар қошида ҳалол маҳсулотлар, диний адабиётлар, исломий кийим-бош ва анжомлар билан савдо қилувчи дўконлар ҳам очилган.

Аҳмад МУҲАММАД

Манбалар:

1. "Кинг Фишер катта маълумотномаси", Москва, "Махаон", 2005.
2. "Страны мира", справочник, Москва, 2003.
3. "Атлас мира", Москва, 2003.
4. "www.islam.ru" сайти.



ГУНОҲЛАРНИНГ ЭНГ КАТТАЛАРИ

Ёлғон гувоҳлик бериш

Аллоҳ таоло амр этади: "Сизлар эса бутлардан иборат нажосатдан сақланинглар, ёлғон гувоҳлик беришдан сақланинглар. Аллоҳга холис ибодат қилинглар, Унга ширк келтирманглар" (*Ҳаж, 30-31*).

Абдураҳмон Ибн Абу Бакрадан у отасидан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилади: «Расулulloҳнинг (соллоллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида эдик, шунда ул зот: "Гуноҳларнинг энг катталари ҳақида сизларга хабар берайми?" — деб уч марта айтдилар. Сўнг: — "Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш... — дедилар, ёнбошлаган ҳолда эдилар, ўтириб олдилар ва — Огоҳ бўлинглар, ёлғон гувоҳлик бериш ва ёлғон гапириш", деб такрорлайвердилар, ҳаттоки биз: "Қанийди тўхтатсалар эди", дедик» (*Бухорий ривояти*).

Ёлғон гувоҳлик беришдан қайта-қайта қайтарганларининг сабаби кишиларнинг унга эътиборсизликлари, унга ундовчи адоват ва ҳасад каби омилларнинг кўпчилиги ҳамда ёлғон гувоҳлик бериш зарарининг катталиги учундир.

Ёлғон гувоҳлик оқибатида қанча ҳақхуқуқлар поймол бўлади, қанчадан-қанча беғуноҳлар зулмга гирифторм бўлишади, баъзи одамлар эса ўзлариники бўлмаган нарсаларга эга бўлиб олишади, ҳатто баъзилар ёлғон гувоҳ ёрдамида насабларигача ўзгартириб олишади. Гувоҳликка ўтиш: "**Биз фақат билган нарсамизга гувоҳлик бердик**" (*Юсуф, 81*), оятига мувофиқ бўлиши керак. Пайғамбаримизнинг: "Ёлғон гувоҳлик берувчининг икки қадами (турган еридан) кўзгалмай туриб, Аллоҳ унга дўзахни вожиб қилади" (*Ибн Можа, Ҳоким ривояти*), деган сўзларини унутмаслик лозим.

Ғийбат

Аллоҳ таоло мусулмонларни ғийбат қилишни ва уларнинг обрўларини тўкишни ман этган ҳамда бандаларни бу ишдан нафратланишга даъват этган. Ғийбатни инсон кўнгли жирканадиган бир шаклда тасвирлаб, бундай деган: "...айримларингиз айримларни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши

ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана, ёмон кўрдингизми?! (Бас, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган ғийбатни ҳам ёмон кўрингиз!)" (*Ҳужурот, 12*).

Оят мазмунини Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай баён қилиб берганлар: "Ғийбат нима, биласизларми?" Саҳобалар: "Аллоҳ ва Унинг Расули билгувчироқ", дейишди. Пайғамбар (алайҳиссалом): "Биродаринг ҳақида ўзи эшитса ёмон кўрадиган сўзларни гапиришингдир". Сўралдики: "Мен айтаётган гап биродаримда бўлса-чи?" Шунда Пайғамбар (алайҳиссалом): "Айтганларинг биродарингга бўлса, уни ғийбат қилган бўласан", дедилар (*Муслим ривояти*).

Демак, ғийбат мусулмоннинг кетидан ўша одам ўзи эшитса ранжийдиган гапларни гапиришдир. Бу гап унинг дини ҳақида бўладими, дунёси ё ахлоқи ёки жисмоний тузилиши ҳақидами, барибир.

Ғийбатнинг қатор кўринишлари бор.

Айбларини гапириш ёки масҳара қилиш мақсадида унинг бирор хатти-ҳаракатини ўхшатиш ҳам ғийбатдир. Аллоҳ таоло ғийбат қилишни ҳаром қилган бўлса-да, кўп кишилар бемалол ғийбат қилаверишади. Ҳолбуки, Пайғамбар (алайҳиссалом) бу ҳақида ўта қаттиқ сўз айтганлар: "Судхўрлик етмиш икки хил бўлиб, шунинг энг кичиги киши ўз онаси билан зино қилганга тенг. Судхўрликнинг энг каттаси эса, биродарининг обрўини тўкишдир" ("*Силсилаи саҳийа*").

Даврада ўтирган одам ғийбатдан қайтариб, ғийбати қилинаётган биродарини ҳимоя қилиши вожибдир. Пайғамбар (алайҳиссалом) шунга тарғиб қилганлар: "Ким биродарининг шаънини ҳимоя қилган бўлса, қиёмат кунинда Аллоҳ унинг юзини (ўзини) дўзах ўтидан сақлайди" (*Аҳмад ривояти*).

Чақимчилик

Одамлар орасини бузиш мақсадида гап ташиш ўзаро алоқалар бузилишига, адоват ва ҳусумат гулхани аланга олишига асосий сабаблардан бўлиб келмоқда. Қуръони каримда бундай дейилган: "(Эй Муҳаммад алайҳиссалом) яна Сиз ҳар бир тубан қасамхўр, ғийбатчию гап

ташувчи... (га) итоат этманг! (қулоқ солиб ўтирманг" (*Қалам, 10*).

Ҳузайфа (розийаллоху анху) Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) ривоят қилади: "Қаттот (яширинча гап тинглаб, сўнг уни етказадиган киши) жаннатга кирмайди" (*Бухорий*).

Абдуллоҳ ибн Аббос (розийаллоху анхумо) айтади: "Пайғамбар (алайҳиссалом) Мадина боғларидан бирининг ёнидан ўтаётган, қабрда азобланаётган икки кишининг овозини эшитиб: "Бу иккиси азобланишяпти. Катта нарсада азобланишмаяпти. — Сўнгра айтдилар: — Йўқ, у катта экан. Улардан бири сийдикдан сақланмас эди, иккинчиси эса чақимчилик қилиб юрарди..." (*Бухорий ривояти*).

Гап ташишнинг энг ёмон хилларидан бири эрни хотинга ёки, аксинча, хотинни эрга ёмонлаб гап ташишдир. Бу ҳол қайнона бўлмишларда учраши жуда ачинарлидир. Яна ота-она билан фарзанд ўртасида гап ташишдир. Бундан мақсад кўпинча орани бузиш бўлади ва бунда келин бўлмишнинг иштирок этиши бу ёмонликнинг жирканч кўринишларидан биридир. Шунингдек, ходимларнинг ичларида раҳбар ёки масъул шахсларга гап ташиб бошқаларга зарар етказишга уринадиганлари бўлади. Буларнинг бари ҳаром қилингандир.

**Камолиддин
ИНОЯТУЛЛОХ**
тайёрлади

ФАҚАТ АЛЛОҲ БИЛАДИ

Усмон акам касалланиб, Фазалкентда жарроҳлик амалиётига ётадиган бўлди. Маслаҳат учун Тошкентдан уч-тўрт марта тажрибали дўхтир олиб чиқишга тўғри келди.

Машинада уч киши кетяпмиз — мен рулда, ёнимда онам, орқада Расулжон дўхтир. Йўл узок, зерикиб қолмаслик учун у ёқ-бу ёқдан, ўтган-кетгандан гаплашиб кетяпмиз. Расулжон фан доктори, шаҳар биринчи шифохонаси бош жарроҳи, ички маданияти гўзал инсон, буларнинг устига, яхшигина мутахассис ҳам экан. Мен кўпроқ Расулжоннинг раъйига қараб таботатга оид мавзуда гапиришга ҳаракат қилдим. Шунда у бошидан ўтган бир воқеани ҳикоя қилиб берди:

— Омон ака, биласиз, отам, қайнотам, мен, хотиним — ҳаммамиз шифокормиз. Буни қарангки, қизим Умида туғилди-ю, олти ойгача умуман ўсмади. Қайтанга борган сари тоши камайиб, ҳаммаёғини ярачақа босиб кетди. Ўша пайтдаги барча машҳур шифокорлар жалб этилди. Лекин ҳеч фойдаси бўлмади. Қизи тушмагур кўзини очолмайди, унга термулганча эзиламиз. Касалхонада алоҳида шароитлар яратиб беришган, лекин бари бекфойда. Охири юзимизга: "Ҳеч қандай умид йўқ", деб ҳам айтишди. Ўша кунларнинг бирида Болтавой поччамиз мени ёнларига чақирдилар-да: "Укам, ҳамма нарса қиялсанлар-ку, шу битта Абдуғаффор амакингга учрамадиларинг-да", деди. Амаким оддийгина дўхтир эдилар. Хотинимга айтсам, олдинга ёқтирмади, сўнг: "Майли, олиб борайлик-чи", деди. Эр-хотин болани кўтариб, амакимникига йўл олдик. Остонадан кирмасимиздан, болага қараб: "Буни оч қолдирисанлар-ку!" деб қолдилар. Хотиним менга, мен хотинимга қараб, елка қисиб қўйдик. Амаким ичкарига бошлаб кириб, чой қошиқни иссиқ



сувга чайди, сўнг банкадаги қатиқдан қизимнинг оғзига тутди. Онасини эмишдан қолган, ҳар қандай егуликка оғзини очмайдиган қизчам қатиқни тамшаниб-тамшаниб ютиб юборди. Амаким қизалоқни кўлларига олдилар-да: "Баъзи болалар организмни сутни умуман қабул қилмайди. Энди бунга қатиқни бир оз иситиб, чой қошиқда ичириб турасанлар. Уч-тўрт кун ўтганидан сўнг енгил овқатларга ўтасанлар", дедилар.

У ердан қайтиб келдик. Амаким айтганларидек эртасидан болага ранг кира бошлади. Уч кун деганда танасидаги ярачақаси тушиб, бадани чиройли бўлиб қолди. Тўртинчи кун пахта теримига кетдим. Ун кундан кейин келсам, хотиним каттагина болани йўргаклаб, кўтариб юрибди. Ҳайрон бўлиб: "Кимнинг боласи?" деб сўрадим. "Қизингиз Умида", деса бўладими! Мана, ҳозир, Худода шукр, қизимнинг бўйи мндан баланд, институтни битирди, шифокор, учта боланинг онаси. Агар ўшанда поччамнинг сўзини олмай, Абдуғаффор амакимга учрашмасам, нима бўларди, фақат Аллоҳнинг ўзигина билади".

Омонуллоҳ МУТАЛ

ДОҒИЙНИ БИЛАСИЗМИ?



XX аср Наманган адабий муҳитига назар ташласак, ўнлаб етук адиблар яшаб ижод этганига гувоҳ бўламиз. Нодим Намонгоний, Мулла Йўлдош Хилватий, Кошоний, Мулла Исҳоқ эшон Ибрат, Дадахон қори Суҳайлий,

Мулла Иноятхон махдум Лангарий, Набиҳон Чустий, Мулла Отахон Нисорий, Абдулвоҳид Шўхий сингари ўткир қалам соҳиблари шу даврда баракали ижод қилганлар.

"Доғий" тахаллуси билан қалам тебратган падари бузрукворимиз — Мулла Йўлдошхўжа Отахўжа ўғли ҳам Наманганнинг таниқли шоирларидан эдилар. У киши араб ва форс тилларини мукамал эгаллаган, тафсир, фикҳ, балоғат, мантиқ, аруз илмларининг ҳам яхшигина билимдони бўлиб, ажойиб ғазаллар ёзганлар. Жомий, Фузулий, Машраб, Нодирабегим, Муқимий, Зебо, Рожий, Ошиқи Ўший, Партав, Унвон каби шоирларнинг ғазалларига гўзал мухаммаслар боғланлар. Шоирнинг "Дилим изҳор айлайин дерман" номли китоби шу кунларда нашрдан чиқди.

Доғий ғазалларини ўрганган киши унинг нақадар истеъдодли шоир эканига ишонч ҳосил қилади. У Куръон оятлари, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳадисларининг пурҳикмат мазмунини усталик билан шеърӣ баён этади. Шоир ғазалларида илоҳий муҳаббат, диний арконларда қоимлик, ҳалоллик, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, илм ўрганиш каби ғояларни тараннум этган. Доғийнинг ўзбек ва форс-тожик тилидаги асарлари икки баёзда жамланган.

Мулла Йўлдошхўжа 1880 йилда Наманганнинг "Чинор" маҳалласида деҳқон оиласида туғилганлар, вафотлари 1974 йил.

Дастлаб машҳур Қодирхонбой эшигида хизмат қиладилар. Бой унга оталарча гамхўрлик кўрсатиб, илм таҳсили учун имконият яратиб беради. Ўзлари ҳикоя қилишларича, эски мактабда таниқли шоир Нодимнинг ўғли Мусалламхон тўра билан бирга ўқиб, дўстлашишади.

Шу боис Нодим хонадонига тез-тез бориб, шеърӣ мунозара, мушоираларни диққат билан

тинглайдилар. Бир куни ўзлари машқ қилган бир-икки шеърни ўқиб берадилар. Суҳбатда ҳозир бўлган Мулла Йўлдош Хилватий 15 ёшли отамизнинг шеърларига юксак баҳо бериб, истиқболларига яхши тилаклар билдиради ва у кишига "Доғий" деб тахаллус олишни тавсия қилади. Бу суҳбатдан сўнг Доғийда шеърӣятга бўлган ихлос янада ортади.

Падари бузрукворимиз ижоддаги муваффақиятларига улуг устозлардан тарбия олганларини сабаб қилиб кўрсатар эдилар. "Мен Нодим, Хилватий, Муқимий, Шавқий сингари устоз шоирлар билан танишганимдан беҳад хурсандман. Уларнинг кўмаги бўлмаганида шеърларим мавқе эътибори билан бу даражага етмасди", — деб айттар эдилар.

30-йиллари хонадонимизда кўплаб шеърӣ суҳбатлар ўтар эди. Мунис (Умархон), Унвон (Мусалламхон тўра), Суҳайлий (Дадахон қори), Шўхий (Абдувоҳид Аҳадов), Камолий (Камол Ҳамроқулов), Партав (Неъмалбадал Самарқандий), Мулла Абдулқаюм қори каби шоирлар ижодларидан намуналар ўқишар, мунозаралар ярим тунгача давом этарди. Афсуски, қатагонлар зарбаси бу каби илмий ва бадиий суҳбатларга чек қўйди.

Бошқалар қатори отамиз ҳам Давлат Сиёсий Бошқармаси (ГПУ) қамоқхонасида 39 кун ушлаб турилиб, турли сўров ва қийноқларга дучор бўладилар. Яратганга шукрки, етарли далил-ашё йўқлиги сабаб озод қилинадилар. Бу воқеани "Азоб" радибли мухаммасларида ифода этганлар.

Раҳматли отамиз нақшбандийа тариқати солиқи эдилар. Тасаввуф сирларини аввал Ғоziхон тўрадан, сўнгра Яҳёхон тўра ва мулла Акбарали охунд қоридан ўрганадилар. Шеърларига сўфиёна ишқ, соликларга хос тарзда нафсини маломат қилиш ва Аллоҳ марҳаматидан умидворлик руҳи сингдирилганини кўрасиз. Куйидаги байт ҳам фикримиз далилидир:

*Кел, эй кўнгул, бу кун сен ҳиммат эт,
мулки фанодин кеч,
Фанофиллоҳ агар мақсад эса,
сен мосиводин кеч.*

Ҳошимхўжа ҳожи ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ

Йўлдошхўжа Отахўжа ўгли ДОҒИЙ

Дилни тоатга муҳайё айлагин

* * *

Дило, табакай ошғуси гафлатинг,
Ки дунё учун хоҳишу рағбатинг.

Сениндин бурун ўттилар бир неча
Ҳарислар, эмасму ҳамма ибратинг?

Бақо йўқ эрур мансабу жоғга,
Сикандарча бўлса агар давлатинг.

Замин бағридур масканинг оқибат
Агарчи жаҳонни тутар шавкатинг.

Кўюб барчани, тут тариқат йўлин,
Ки лозим санга баъдаз ин узлатинг.

Қарибсан соқолу сочинг оқариб,
Ҳануз сен била бозию луббатинг.

Йироқ қил ўзингдин ҳавою ҳавас
Тариқ вазнича бўлса гар ғайратинг.

Тазарруъ ила нола қил кечалар,
Ки шояд ижобат этар даъватинг.

Бу тарз ўлса то сен била феъли бад¹,
Ошар кун-куна меҳнату кулфатинг.

Асои ҳидоят тила ҳодийдин,
Букулмиш гунаҳ боридин қоматинг.

Қило кўр надомат кечан ҳолинга,
Топарму ўрун андаги ҳасратинг.

Ибодат ила топсалар эл мақом,
Йўқ эрур сани заррача тоатинг.

Раҳимо, агар раҳматинг осийға,
Бу Доғий эрур лойиқи раҳматинг.

* * *

Эй, ўғил, айтай сенга, олсанг бу панд,
Комигни қилгай ширин доим бу панд.

Доимо амрини бар жо айлагин,
Дилни тоатга муҳайё айлагин.

Соз қил тарзи тириклик халқ аро,
Гоҳ банорас ичра бўл, гоҳ далқ аро.

Гоҳ риндиваш харобот излагин,
Гоҳ бўлиб зоҳид ибодот излагин.

Қил мувосо² жумла олам аҳлига,
Шодлик еткур ҳамма гам аҳлига.

Марҳами қўй қувватинг етган қадар,
Ҳар жароҳатким кўрарсан, эй писар.

Пайрови бўлгин қаю миллатки бор,
Ҳар муҳиммида бўлиб гамхору ёр.

Тухми эҳсон сеп ҳамма мазраъ уза,
Тожи миннат қўй сари ақраъ уза.

Ҳосил олгай ҳар киши сочса уруғ,
Дангаса, ялқовлар қолгай қуруқ.

Доимо бўлсин сенинг-ла ҳилму сабр,
Илми ирфон, илми мантиқ, илми жабр.

Саъй бирла касб эт илму хунар,
Илмсиз бебоклар кўрғай зарар.

Бил: хунардин эгри қўл тўғри бўлур,
Беҳунарлар охири ўғри бўлур.

Хосса: бўлгин ҳар хунарнинг омили,
То десинлар ақллилар комили.

Қўл узатма ўзгаларнинг молига,
Ҳасад қилма давлату иқболига.

Бос қадам сен тўғри йўлга туну кун
Сенга ҳам иқбол бўлгай раҳнамун³

Ким ҳасад этса биров амволига,
Вой охир ул хусуд аҳволига.

Бурма ёлғон сўзга тилни зинҳор,
Бўлмагай ёлғончиларда эътибор.

Беадабдин, эй ўғил, қилма таниш,
Гар таниш қилган эсанг, лозим тониш.

Ботса гар мағрибга нуринг чун қуёш,
Тобутинг устида қилсинлар талош.

Алғараз ҳар миллата бўлғил ёвуқ,
Етмасин сендин анга лафзи совуқ.

Яъни ҳар зи жонга бўлсин шафқатинг,
Етмайин ҳеч кимга ранжу заҳматинг

Бу сифат бирла бўлурсан, эй фалон,
Сенга бўлсин Тангри доим мустаъон.

Кўп эди дил кунжи ичра, Доғий, панд,
Лек сўз бўлса узун бўлмас писанд.

¹бад — ёмон²мувосо — ҳамдардлик³раҳнамун — етакчи, йўл кўрсатувчи.

ЧИНИ ТУРГАНИДА АФСОНА НЕЧУН?

(Ёзувчи Тўлепберген Қаипбергеновга хат)

Хурматли Тўлепберген оға!

Мен кўп тенгдошларим қатори Сизнинг асарларингизни ҳам ўқиб улғайганман. "Секретарь" қиссангизни ўн-ўн икки ёшда ўқиган бўлсам, орадан қирқ йилча вақт ўтди. Кейинчалик Абдулла Қаҳҳор таржима қилган "Совуқ бир томчи" каби қорақалпоқ халқи ўтмиши теран ёритилган талай асарларингизни мутолла қилдим. Улар кўп тилларга ўгирилди. Сиз туркий

халқларнинг атоқли адиблари қаторидан ўрин олдингиз. Шунинг учун ҳам Бердақ ва Ҳамза мукофотларига сазовор бўлганингизда, яқинда "Ўзбекистон қаҳрамони" унвони берилганида дилдан қувонганман. Сиз бизга тенгқур авлод учун устоз саналасиз.

Мен бу хатни 2003 йилда Нукусда босилган "Қорақалпоқман. Таваккалчима" деган китобингизни ўқигач, ёзаётганиман. Китобдан ўзим учун бир талай янги нарсаларни билиб олдим, айрим мунозарали фикрлардан бир ўқувчи сифатида ҳайрон бўлдим. Шу боис, сиз билан мулоҳазалашадиш нияти туғилди.

Умумжаҳон глобаллашиш жараёни туфайли халқнинг асл миллий қадриятлари гоҳо унутилиб қолаётган ҳозирги замонда ёшлар олдига "Биз асли киммиз, қандай элмиз, тарихимиз қанақа" деган масалани кўйиш, шу саволларга атрофлича жавоб бериб, миллатнинг энг олижаноб урф-одатлари, удум ва анъаналарини таништириш ва сингдириш савобли иш. Кейинги йилларда қорақалпоқ элининг эндиги тақдири, хусусан, ёшлар дунёқараши, улар қандай идеаллар асосида тарбияланиши тўғрисида жон куйдириб ёзган асарларингиз майдонга келди.

Чиндан ҳам, Тўлепберген оға, мустақиллик халқнинг миллий ғурур туйғусини кучайтириб, ўзлигини теранроқ англашига йўл очар экан. Ўтмишда ғирт оми, жоҳил бўлган деб кўрсатилган (ва шунга ноилоҳ кўникиб ҳам келган) Ўрта Осиё халқлари энди ўзининг бой, шонли тарихини теран ўрганишга, унинг ёрқин саҳифалари билан танишишга муяссар бўляпти.

Аммо, кузатган бўлсангиз, сўнгги йилларда ҳар бир давлатда "янги тарихчи" лар тоифаси пайдо бўлди, уларнинг китобида шу муаллиф мансуб бўлган халқ жаҳондаги энг қадимги эл, "протомиллат" деб эълон қилинади, ерюзидидаги бошқа миллатлар эса шу халқнинг айрим адашган-улоққан қисмларидан ташкил топган бўлиб чиқади, муаллифнинг мамлакатини тарихи энг бой юрт қилиб кўрсатилади.

Энди ана шу "анъана" янги ўзанда — дунё тарихида етакчи қилиб кўрсатилган миллат номи алмаштирилган ҳолда давом эттириляпти. Сизнинг "Қорақалпоқман..." китобингиз ҳам бундай хатти-ҳаракатдан холи эмас экан. Китобингизнинг яна бир сарлавҳаси — "таваккалчи"лик унда хийла сезилиб қопти.

Асарнинг етакчи мавзуларидан бирини "Тарих ва қорақалпоқлар" деб номласа бўлади. Китобда Марказий Осиё халқлари тарихини ҳар хил афсонаю эртақлар асосида тушунтиришга уриниш бор. Чунончи, китобнинг камида ўн жойида тўфон балоси ва Нух пайғамбар кемасини тилга оласиз. Кема тўфон суви пасайганида қаерга келиб тўхтаганини сиз, чунончи, Жудий тоғида, бошқа бир ривоятда Арарат тоғида, Африкада, яна бирида — Қозоғистондаги Қозигурт тоғи тепасида тўхтагани айтилади, дейсиз-да, сўнг "Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган афсона ва ривоятлар"га тўхталасиз. Гуё бу ривоятларга кўра, кема кўп йиллар сузиб, Помир тоғлари устига келганида сув пасая бошлайди. Кема қоялар орасидан йўл қидириб, Фарб сари йўналади. Нух (алайҳиссалом) кема тиқилиб қолмасин учун, эшкак эшиб сув бор томонга жўнайди. Амударё билан Сирдарё ўзани — эшкак тирнаб ўтган излар эмиш. Ниҳоят, кема туркий тилда Орол

деб аталадиган бир жойга етиб, тўхтабди. Ҳамма кемадан тушиб, катта ўғиллар Сом билан Хом иккови хотинларини олиб, бири Африкага, бири Оврупага кетади. Ёфас бўлса шу ерда қолади... Сиз тўқиган бу афсонада одамзот ер юзига Қорақалпоғистондан тарқалган, деган даъво бор.

Кейинроқ дунёдаги энг қадимги эл қорақалпоқ халқи, деган фикр ҳам айтилган. Ёфаснинг тўнғич ўғли Турк бир кун дастлабки неварая эваралари орасидан йирик гавдали, ёрқин пешоналиларни тўплаб, "Сенлар Турк қавмига соқчи бўласан", деб тайинлаб, бошларига қора қалпоқ кийгизибди. Ботир халқ қорақалпоқлар дунёдаги биринчи эл шундан келиб чиққан эмиш. Қадимги сак қабиласи ҳам қорақалпоқлардан бўлиб чиқаркан, негаки сак "соқчи" деган сўзнинг қисқартма шакли, "печенег" халқининг номи эса "ёрқин пешоналилардан экан (ҳолбуки, "пешана" форсий сўз, туркчаси манглайдир). Ўша қора қалпоқли соқчилар ҳозир ер юзига тарқаб кетган-у, барча туркий эллар асли қорақалпоқлардан келиб чиққан эмиш. "Мана шу кўпданкўп халқларнинг ўтмишини бугунги кўз билан баҳолаб, барча туркийзабонларга, сизлар "навкар қорақалпоқ"ларнинг авлодларисиз десанг, ишонишмас керак", деб айтасиз (4—12-савол-жавоблар).

Бунга ишониб бўлмайди. Чунки Сиз айтган "Ўрта Осиё халқлари орасида Нуҳ кемаси ҳақида бунақа ривоят йўқ. Халқ афсонасида мантиқ бўлади. Китобда келтирилганидай, Нуҳ кемасининг узунлиги 300 газ, эни 50 ва баландлиги 30 газ бўлса, унинг эшкаги узунлиги ҳам, нари борса, эллик газ чиқиши керак. Амударё билан Сирдарёнинг оралиғи эса бир неча юз километр келади, бояги эшкак унинг олдида ҳовуздаги гугурт чўпича ҳам келмайди. Ҳар бирининг узунлиги камида бир неча юз километрлик эшкакни эшиш учун Нуҳ пайғамбарнинг бўйи ҳам камида 200 километр бўлиши шарт.

Сиз тарихда ўтган улуғларнинг аксариятини қорақалпоқ деб биласиз:

"— Бурун ўтган улуғ туркийзабон алломалар орасидан кимларни "бу асл қорақалпоқ бўлса керак" деб чамаласа бўлади?

— Имоми Ўзамнинг узун қўшқулоқли қорақулоқчин кийиб юрганидан, улуғ шоир Сўфи Оллоёр эса Хитой уруғидан эканини эсласак, икковлари ҳам қорақалпоқларнинг боболаридан деяримиз сўзсиз" (280-с.ж.).

Бундан қарийб ўн тўрт аср аввал Кўфа ва Бағдодда яшаб ўтган, асли келиб чиқиши форслардан бўлган Имоми Ўзам Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит (700—767) азбаройи қорақулоқчин

кийгани учун қорақалпоққа айланса, Сўфи Оллоёрнинг "гуноҳи" хитой уруғидан экани бўляпти. Ҳолбуки, хитой уруғи бир қанча туркий халқлар, жумладан, ўзбеклар таркибида ҳам бор.

Яна бир тарихий шахс — Абулғози Баҳодирхон "қорақалпоқларнинг қўнғирот уруғидан чиққан" деб кўрсатилади (316-с.ж.). Тўғри, қўнғиротлар қозоқ, қирғизлар сингари қорақалпоқлар таркибида ҳам бор. Аммо у ўзбек халқи таркибида ҳам йирик бир қабила бўлгани ишончли китобларда ёзиб қўйилган.

Энди илк авлиёлардан бири, Увайс Қараний ҳақидаги гапларингизни эсланг:

"— Қоратовдаги кароматли қабристонда дафн этилган "Султон Увайс Қараний бобо" тўғрисида биланларингизни айтсангиз.

— Халқ афсоналарига қараганда, Султон Увайс бобо 620—625 йилларда ўз онаси билан барча туркийзабонларга навкарлик қилган бағрикенг қорақалпоқлар яшаб турган макон-жойларни излаб топиб келгач, ўзига "Қараний" деган лақабни танлаган. Бунинг асл маъноси — барча туркий халқларга азалдан соқчи халқ сифатида шаклланган қорақалпоқларнинг ёвқур урф-одатлари, қайси ишга қўл урса-да, асл ҳақиқатни тан олишдан қайтмайдиган, ваъдага вафодор, бир сўзлилиги маъқул келгани учун ўзини шу халқнинг бири деб ҳисоблашни қўлуғ вазифаси деб билади... Ёшлигида Яманда ўқиб, Ислом динини ҳартарафлама теран ўрганган. Ўқишни битириб келиб, ҳозирги қабри жойлашган Қоратов этагида онаси билан қорақалпоқларга сингишиб, Ислом динини ҳартарафлама ўргатишга бошлаган..."

Энди буни 806-савол-жавобингиз билан муқояса қилайлик:

"— Ислом дини бизнинг халқимизга қачон киргизилган?

— Тарихий хужжатлар, ривоятлар бўйича 705—715 йиллар оралиғида араб лашкарбошиси ва тарихчиси Қутайба Хоразмга келганидан кейин".

Мана буниси маъқул гап, тарихга ҳам тўғри келади. Аммо Увайс Қараний ҳақида савол-жавоб уйдирма. Чунки у Қутайбадан қарийб бир аср аввал, пайғамбаримиз замонида яшаб ўтган, ҳозирги Қорақалпоғистонга умуман келмаган.

Ҳазрати Али (розийаллоху анху) ҳам ҳеч қачон Эронда бўлмаган, халифалигининг тўртинчи йили Кўфада ўлдирилган. Увайс Қараний эса сал илгарироқ Муовия билан урушда шаҳид бўлган.

Тўғри, Қорақалпоғистонда Султон Вайс тоғи бор. Аммо Султон Вайс деганлари сиз айтаётган Қараний эмас, Увайс Қараний эса, Султон эмас. Уларни чалкаштирмаслик керак. Увайс Қараний Яманнинг Қарн қишлоғидан эди, яъни, туғил-

ганиданоқ Қараний эди. У Сиз айтгандек "қорақалпоқ" сўзидан "қара"ни олиб, унга "ний" кўшиб, тахаллус қилмаган.

Асарингизнинг учинчи, энг қалтис мавзуи — дин борасидаги қарашлар экан. Сизнинг ҳажга бориб келганингизни биламиз. Аммо ҳар бир ҳожи ҳар хил фатво бераверса, тўғри бўлмаса керак:

— Нега қуёш биттаю Ой ҳам нега битта?

— Қуёш ҳам, Ой ҳам Тангри таолонинг одамларга икки хил символик кўриниши. Агар Қуёш, Ой кўп бўлганида Тангри таоло ўзининг қадрини йўқотар эди" (381-с.ж.).

Бу гапларни ўқиган одам ҳанг-манг бўлиб қолиши турган гап. Ахир Тангри таоло бу чексиз коинотни, ундаги миллиард-миллиард юлдузларни яратгани, уларнинг аксарияти бизнинг Қуёшдан минг маргалаб улкан ва нурли эканини мактаб боласи ҳам билади-ку! Фаннинг сўнгги маълумотлари бўйича биргина бизнинг галактикада 400 миллиард юлдуз (қуёш) бор экан! Бунча самовотни яратган Аллоҳнинг қудрати улуғлигини англаб, унга саждага даъват қилиш ўрнига, унинг "қадрини йўқотиш"ни ўқтириш сафсата эмасми?!

— Қуръони каримда номи тилга олинган 25 пайғамбардан бошқа пайғамбарлар ҳам борми?

— Ҳақ ниятли, бу дунёни гуллаштишга чин дилдан хизмат қиладиган этиб Тангри таоло яратган ҳар бир ақлли, кўнгли пок инсон, аслида бетакрор бир пайғамбар" (674-с.ж.).

Кимни пайғамбар қилиб танлаш Аллоҳнинг иши эди. Сиз эса халқ орасида "ақлли, кўнгли пок инсон"ларнинг ҳаммасини пайғамбар дейсиз.

— Баъзи асарлар тўғрисида "кишилиқ жамиятига мангу хизмат қилувчи" каби таърифлар қўлланади. Шунга нима дейсиз?

— Қодир Аллоҳнинг буйруғи билан унинг пайғамбарлари ёзиб кетган китоблар одамзотнинг мангулик ақлғўйи экани аниқ..." (775-с.ж.).

Диндан сал-пал хабари бор ҳар бир киши яхши биладики, ҳеч бир пайғамбар китоб битган эмас. Уларни "пайғамбарлар ёзиб кетган асарлар" қабилида талқин этиш илоҳий китоблар (жумладан, Қуръон ҳам) Аллоҳнинг сўзи эмас, дейиш билан баробар. Ҳолбуки, китобларда "буларнинг барчаси каломуллоҳдир ва Аллоҳнинг сифатидир, ғайри махлуқдир. Кимки булардан (ҳатто) битта сўзни махлуқ деса, кофирдир..."* дейилган.

Яна битта савол-жавоб:

— Келажакда бутун инсоният учун Тангри таолонинг бир пайғамбари пайдо бўлиши мумкинми?

— Келажакдан умидим зўр. Бугун ҳукм сураётган ҳар бир динларни аниқ бир мақсадга қаратиб, бутун инсониятни ўзаро ёвлашмай, тушунишиб, уларнинг аниқ бир мақсад йўлида ҳамдамлашувига йўл топадиган пайғамбар каби инсон келажакда пайдо бўлса ажабмас" (857-с.ж.).

"Келажакдан зўр умид"ингиз Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) охирги пайғамбар эканини инкор этиш бўлибди. Бу гапингиз имон учун хатарли гап. Билмасдан айтилган гап бўлса, тавба қилиш керак. Бундай сўзларни билиб туриб айтишдан Аллоҳ асрасин.

Шу маънода қуйидаги "кашфиёт"ингиз ҳам ўта кўрқинчлидир.

— Инсон учун Тангри таоло нечта?

— Иккита..." (545-с.ж.).

Эҳтимол, Сиз "Мен бу ерда киноя тарзида айтганман" дерсиз. Астағфируллоҳ, имон аниқликни талаб этади, киноя бу ерда ўтмайди.

Ҳурматли Тўлепберген ога! Сўзимизни мухтасар қиладиган бўлсак, туркий халқларнинг барчаси, истисносиз равишда ўша, Сиз айтган Турк ибн Нуҳ авлоди, барча одамлар эса, ҳозирги миллий белгисидан қатъи назар, Одам отамиз билан Ҳавво момомиз фарзандларидир. Эл ва миллатларнинг қадимийроғи аълою тарих саҳна-сига турли сабабларга кўра кечроқ чиққанлари тубанроқ бўлмайди. Барчаси тенг. Шундай экан, тарихчи олимларнинг ҳозиргача амалга оширган меҳнатлари натижасини — аён ҳақиқатларни назар-писанд қилмай, афсона тўқишга, шу асосда тарих "ижод" қилишга ҳожат йўқ.

Иккинчидан, бандаларнинг ҳақ йўлда умр кечириши учун Тангри таоло инъом этган дин ҳам истаган одам ўз манфаати йўлида ривоят тўқийверадиган майдон эмас.

Сиз кенг эпик полотнолар яратишга қодир ижодкорсиз. Устозингиз Абдулла Қаҳҳорнинг бир гапи эсингиздадир. У, "ёзувчининг маҳорати раққосанинг санъатидан фарқли ўлароқ, йиллар оша шалвирамайди, аксинча тобора кучга, ширага тўлиб боради", деган эди. Шундай экан, қаламнинг кучини "ўтин ёриш"га — ҳар хил афсонаю эртақлар тўқиб, ўсиб келаётган авлод онгида хато тушунчалар пайдо қилишга эмас, шунингдек, ҳар турли "савол-жавоб"лар шаклида атоқли шоир дўстларингиз ва миллатнинг машҳур арбобларини қоралашга ҳам эмас (мен буларга махсус тўхталмадим), балки бутун эл-юрт фахрига айланадиган асарлар яратишга сарфлашингизни истар эдим. Ана шундай китобларингизни кутиб, ҳурмат билан,

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ,

ўқувчингиз

*"Аҳли суннат вал жамаот эътиқоди", Т., 1998, 12-бет.

"НОЁБ ОВОЗ СОҲИБИ"



Шайх Абдулбосит қори Абдуссамаднинг номи фақат Ислом оламидагина эмас, балки дунёнинг ҳамма ерида ҳам маълум ва машхур. Бу зотнинг хуш савти, чиройли овози, Қуръони каримни мукаммал тажвид билан қироат қилиши жаҳондаги қанча-қанча Қуръон ошиқлари ва қориларнинг орзуйига, фахрига айланган.

Абдулбосит қори ҳижрий 1346 (милодий 1927) йили Мисрнинг Қино вилоятига қарашли Арманат шаҳарчасида дунёга келган. Ҳали ўн беш ёшга тўлмаётган шайх Муҳаммад Салим қўлида Қуръони каримни ёд олиб, ҳофиз бўлди ҳамда устозидан етти услубда қироат қилишни ўрганди. Шундан сўнг хушовоз, хушсавт қорини оммавий йиғинларга таклиф эта бошлади. 1950 йили Қоҳирага келиши унинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Кўп ўтмай Миср қориларининг устози Заббоънинг таклифига биноан Абдулбосит қори ҳафтада бир кун мамлакат радиоси орқали Қуръони карим сураларини тиловат қила бошлади.

Икки йил ўтиб Абдулбосит Қоҳирадаги Имом Шофеъий номли масжид қориси этиб тайинланди ва шу вазифада ўттиз уч йил хизмат қилди. Шундан сўнг уни шайх Маҳмуд Али Банно ўрнига Хусайния масжиди қориси этиб тайинлашди.

1984 йилдан то умрининг охирига қадар Миср қорилари қасаба уюшмасининг раҳбари бўлди.

Қори йигирма тўрт ёшидан бошлаб жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларига сафар қилиб, муслмонлар ва ғайримуслимлар ўртасида Аллоҳнинг каломини, унинг тиловатини кенг тарғиб қилди. Кўплаб кишиларнинг ҳидоят топишларига сабабчи бўлди. Илк марта ҳаж қилиш учун Саудия Арабистонига борганида Қуръони карим нозил бўлган ўлкада Аллоҳнинг каломини бир неча хил услубда тиловат қилиб берди. Масжидул Ҳаромда, Масжидун Набавийда қилган қироатлари минглаб кишиларни ҳайратга солди. Ихлосмандлар атоқли қорининг қироатини ёзиб олиб, бутун дунёга тарқатишди.

Шундан кейин Абдулбосит қори Шарку Фарб ўлкаларига сафар қилиб, миллионлаб кишиларга Аллоҳнинг каломини етказиш йўлидаги хизматини бошлаб юборди. Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари Париж шаҳрида Қуръони каримни чиройли овозда қироат қилганида франсияликлар уни узоқ муддат олқишлашди. Франция матбуоти шайхни "ноёб овоз соҳибни" дея улуғлади.

1967, 1981, 1987 йиллари Америка Қўшма Штатларида унинг Қуръон тиловатидан таъсирланган юзлаб киши Исломга кирди.

Шайх Абдулбосит қироати, маҳорати билан каттаю кичикни бирдай ҳаяжон ва ҳайратга солар эди. Мароқаш подшоҳи унинг қироатини берилиб тинглаш учун саройга таклиф этади. Покистонга борганида мамлакат президенти уни кутиб олгани тайёрагоҳга чиқади. Индонезияга сафарига энг катта масжидга ҳам одам сизмай, тингловчилар бир километргача ташқарига чиқиб кетишади. Чорак миллиондан ортиқ киши у Қуръони каримни хатм қилаётганида тонггача тик туриб сомеъ бўлади.

Бир қанча мамлакатлар уни энг олий мукофотлари билан тақдирлашди. Абдулбосит қори Миср, Сурия, Ливан, Малайзия, Сенегал, Мароқаш каби ўнлаб ўлкаларнинг юксак нишонлари билан мукофотланган.

Дунёга машхур Абдулбосит қори 1988 йил ноябрида олтинчи бир ёшида вафот топди. Шайхнинг беш нафар ўғли оталари изидан бориб, мураббат қори бўлиб етишди.

Аббос АҲМАД
тайёрлади

Ойгул СУЮНДИКОВА

Менинг соғинганим сезади отам

1

Тонготар қуёшига кўз тикиб,
Юрагим титрайди оҳанглар ютиб.
Яшагим келади, ота, энтикиб,
Сиз босган изларга меҳримни битиб.

Қанча истасам ҳам, қанча қўмсасам,
Болалик иложсиз қолди қайтгали.
Худди шунинг каби, отажонгинам,
Умрим етмас барча сўзим айтгали...

Бир дамингиз бутун умримдан азиз,
Орзулардан улуг яшайсиз дилда.
Бахтлиман, сиз менга хушнуд боққан кез
Тупроқ бўлолсайдим сиз юрган йўлда.



2

Сочлари оқариб кетди отамнинг,
Тубсиз кўзларида оғир дард изи.
Чеки йўқ дунёда шодлик ва ғамнинг,
Ажинлар — йилларнинг шафқатсиз сўзи.

Онгим, фикрларим бир дарахт монанд
Ерга илдиз отди, чўзди кўкка бўй.
Олис нуқта каби чорлар хаёлан
Болалигим, ота, энг қадрдон куй!..

Ҳаяжон, оғриқдан кўзга нам инди,
Йўлимни изладим она заминдан.
Ҳаёт сочдай нозик, чайир кўринди
Сочимга оқ туша бошлаган кундан...

Отажон, ҳар куни биз туғилган кун
Тонглар пок соғинчлар ва нурлар билан.
Йўлларимиз қучар минг юлдузли тун
Беором шамоллар, ёмғирлар билан.

Қанчалик кенгайиб ойдин тортса йўл,
Шунча кўп оқади ҳаётингга сир.
Ота — менга азим тоғдай таянч қўл,
Ота — эзуликнинг кўзидаги нур.

3



Ҳали дунё билмас эртақ эканман,
Қалами ғам кўрмас юрак эканман,
Қирқдан ошсам ҳамки гўдак эканман,
Отам кетар дея ўйламас эдим...

Шамоллар қайтса ҳам, ёмғир қайтса ҳам,
Сувга оқиб кетган тушим айтса ҳам,
Юрагимдан минг бир хаёл ўтса ҳам,
Отам ўтар дея ўйламас эдим...

Куламас тоғ каби яшаб ўтса ҳам,
Нурамас боғ каби яшнаб ўтса ҳам,
Мангу манзил сари отам йўл олди,
Дилларда илдиздек номлари қолди.



4

Ўтганлар ўтиб кетди,
Қабристон жим, қабр жим.
Қақроқ кўнгилда нам йўқ,
Гул тўкади сабр жим.

Ўтганлар ўтиб кетди,
Тупроқ юшоқ, шамол тинч.
Тиззага урар майса,
Шабнамда эрир ўтинч.

Ўтганлар ўтиб кетди,
Қуёш нур тўкар сийлаб.
Отам кетиб боради
Борса-келмас йўл бўйлаб...

5

Кўз ўнгимда тирик юрибди отам,
Олмалар тўкилди, анорлар ёнди.
Ҳовлимиз кенгайди, тўлишди, кўркам,
Онамнинг ёш тўла кўзи қувонди.

Кўз ўнгимда кулиб турибди отам,
Катта дарвозадан кириб бораман.
Отамнинг қўллари меҳрибон бирам,
Дилимни дардлардан фориг кўраман.

Кўз ўнгимда боғлар кезади отам,
Қалдирғоч ин қўяр яна айвонга...
Менинг соғинганим сезади отам,
Тушларимни айтгим келади тонгга.

6

Болам, бу боғ отамдан қолган,
Ҳар бир заррасида унинг иси бор.
Бу ҳовлида дилга осмонлар солган
Олис болаликнинг чақмоқ изи бор.

Отагинам ожиз бир боғбон эди,
Сўзлари меҳрли, қалби беғубор.
Меҳнатдан ўлмаган зўр инсон эди,
Боғи тўла олма, узум ва анор.

Болам, бобонг энди қайтиб келмайди,
Қайтмайди болалик, ёшлик навоси.
Ҳеч кимнинг қалбига армон тўлмайди
Йўлларида балқса ота дуоси!

Мавжуда КАРИМОВА

Сурдошим

Куёш нур сочади эркалаб,
Юзимни силайди шамоллар.
Майсалар йўлимда пояндоз,
Чулғайди ажойиб хаёллар.

Самода учаман қуш каби,
Кўксимни бахтларга тўлдириб.
Мен ёрга етаман албатта
Қалбимда армонни ўлдириб.

Куёш нур сочади эркалаб,
Қамрайди ажойиб хаёллар.
Қайгадир шошдилар, кетдилар
Сиримдан бохабар шамоллар.

Қумқўрғон



Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ

* * *

Мендан ўтиб қайга борасан, дўстим,
Сендан ўтиб мен ҳам қайга бораман?
Гарчи нурга ташна майсадек ўсдим,
Ҳар тонг шафақ каби кўнгил ёраман...

Кимни қувиб, кимдан ўзарсан яна
Дунё ҳавасида чопқир, эй жоним?
Ё Аллоҳ, нажот бер, Ўзингдан умид,
Тўғри йўлга бошла умр карвоним...

Қамаши

Ҳадича ФАНИЕВА

Ҳасрат шамолларида

Мени ҳеч ким севмайди
Сиз каби дилдан, она.
Эркалатар, суярлар
Шунчаки тилдан, она.

Орзуларим бир жаҳон,
Қалб нозик гулдан, она.
Одам қадри паст бўлса
Наҳотки пулдан, она?

Гарчи оғир дамларда
Меҳрингизга зор бўлдим,
Ҳасрат шамолларида
Майсадек пойдор бўлдим...

Избоскан



Бир киши қизига "Сотқиной" деб исм қўйган эди. Ўн еттига кириб ойдек сулув бўлганида, яна-ям чиройи очилиш ўрнига хафаланиб, кун-кундан мунгайиб, тенгдошлари кўзи олдида чўкиб юрди. Ота-онасидан норози бўлди. Ахир гулдай қиз бўлса, бошқа исм қуриб кетганмиди?! Ҳолбуки, фарзандларига чиройли исмлар қўйиш ота-она зиммасидаги энг муҳим вазифалардан бири саналади.

Зарифа Саидносирова "Ойбегим менинг" хотиралар китобида исм танлашга оид ибратли бир воқеани эсга олади:

"Дадам қизимизга "Қоргул", "Гулсочар" деган исмларни беришни тавсия қилди. Ҳолбуки, биз Ойбек иккимиз қиз туғилмасидан илгариеъ исм тайёрлаб қўйган эдик. Ойбек Бобурнинг Гулчехра, Гулбадан ва Гулранг деган қизларининг исмини хуш кўрарди. Менга шу исмлар орасида, айниқса, Гулбадан манзур бўлди. Ойбек эса фикримни эшитиб кулди: "Яхши, кичиклигида Гулбадан дея бе-

ИСМИМИНИНГ МАЪНОСИ НИМА?

рамиз. Гўзал исм! Аммо улгайганида, бўйи етганида, Гулбадан дейиш нечук бўлар экан?" Мен ўйланиб қолдим, тушундим, албатта. "Майли, Гулранг бўлсин! Бу ҳам чиройли, ҳам ҳеч кимда йўқ исм", дедим унга. Бу исм дадамга ёқинқирамади, "Гулсочар"га унамаганимиз учун ўпкаланиб юрди".¹

Ҳаётда ўғлига турли асбоб-анжом ёки ҳайвонларнинг исмларини қўйган кишиларни сиз кўп кўргансиз. Улар эҳтимол сизга таниш, қариндош-уруғ ёки кўни-қўшнидир. Унинг ўрнига фарзанд дунёга келса, унга чиройли исм танлаш пайида бўлиш керак. Ҳозирги кунда исмларнинг маънолари ёзилган махсус маълумотнома китоблар бор. Қолаверса, исм маъносини айрим илмий кишилардан сўраб-суриштириш, маслаҳатлашиш ҳам қийин иш эмас.

Насим ака нафақага чиқиб, уйда ўтириб қолганига икки йилдан ошди. Ёши етмишга яқинлаган. Кампири ўтиб кетганига анча бўлди. Гоҳи-гоҳида неваралари бир йўқлаб селдай келадию яна елдай кетади. Бошқа пайтлари Насим ака зерикади. Қолаверса, нафақа пулига бир-икки сўм қўшилса, ёмонми? Шу боис Насим ака уйда тек ўтираверишни ўзига эп кўрмади. Жавондаги "Ўзбекча исмлар маъноси" номли қалин китобни қўлига олиб, бозорга чиқди. Бозорда одам кўп. Сотувчи ҳам одам. Олувчи ҳам одам. Ҳаммолу аравакаш ҳам. Ҳаммасининг исми бор. Ота-онасининг исми, фарзандларининг исми. Аммо ҳамма ҳам ўз исмининг маъносини билавермас экан.

Катта бозордаги тим остида: "Исмингизнинг маъносини айтаман!" дея жаранглаган овоздан аввалига бозор аҳли ҳайратга тушди. "Қўшиқ ва шеър айтиб юргувчини, фол очаман, деб бақираётганларни кўрганмиз. Карнай чалиб, ногора қоққанни ҳам кўрганмиз. Аммо бу янги овоз кимники бўлди? Карвон кўп, ризқи бўлак экан-да".

Орадан уч-тўрт кун ўтмай, исм топагон Насим акани ҳамма таниб-билиб қолди. Кунда-шунда бозор аҳли ўз исмларини қайта рўйхатдан ўтказиб бўлгач, эртасига аллақайси таниши ёки узоқ-яқин қариндоши исмининг маъноси билан қизиқиб келди. Тўғриси, баъзан ёш йигит-қиз туғул, ёши эллик-олтмишга бориб қолган кимсалар ҳам ўз исмларининг маъносини билмас экан.

- Амаки, бир дақиқага мумкинми?

- Лаббай, ўғлим! Хўш, хизмат?

- Қани, китобни очинг. "Абдукарим"нинг маъноси нима экан?"

Насим ака шошилмасдан кўзойнагини тақадди, сўнгра титилиб кетган китобини варақлашга тушади.

- "Абдукарим"ми? Хўш, "Абдулахад", хўш, мана "Абдукарим... Бу исм араб тилидан олинган бўлиб, "карам қилувчи, саховат кўрсатувчи ва бировларнинг гуноҳларини кечирувчи, афв этувчи Аллоҳнинг бандаси", деган маъноларни билдиради.

"Нилуфар-чи?", "Мухтор-чи?", "Хуршид-чи?" — хуллас, шу зайл исмлар маъносини сўраб савол берувчиларнинг кети узилмайди. Насим ака китобини варақлайди. Эринмасдан изоҳини ўқиб беради. Билганларидан, аллақайси китоблардан ўқиганларидан, тарихда шу исмда ўтган машҳур кишилардан, ҳафсала қилса, бир шингил илова этади. Дейлик, "Али" исмини сўрагувчиларга олдин маъносини айтади, сўнгра Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) куёвлари бўлганини, ботирлигини айтади, шижоати, жасорати ва қиличидан гапирди. Насим ака "Темур" исмининг маъноларини сўрагувчилар ёнида узоқ туриб қолади. Юзи бир тундлашиб, бир ёришади. Тарихчи эмасми? Амир Темур замонидаги адолатдан, тўқин-сочинлик ва даҳшатли жанглардан гапирди. Эртаки гилос сотиб ўтирганлардан бири: "Содирбой пўрим"нинг маъносини сўради. Сўнгра алоқасиз бўлса-да: "Яқинда уйи куйган эди", деб қўшиб қўйди. Насим ака учун эса исм муҳим — маъносини сўйлади.

Насим ака кайфи чоғ бўлса, итларга бериладиган исмлардан ҳам гап очиб, Ўтқир Ҳошимовнинг "Итбозга "эҳтиром" деган бир хангомасини гапириб беради.² Одамларни кулдиради.

Насим аканинг иккита инжиқлиги бор. Биринчиси — ажнабий-ғарбча исмларни ёқтирмайди. Эҳтимол бу одати унинг миллатпарварлигидандир ёки китобида шу исмлар маъноси ёзил-

АСАЛАРИ БОҚИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?



Тўртинчи машғулот

Оилага қўшимча уячали чорчўплар қўйиш

Ёзнинг илк ойлари эртаки асал йиғишда энг сермахсул давр ҳисобланади. Бу даврда ариларнинг хулқи ҳам ижобий томонга кескин ўзгаради. Улар янада тиришқоқ ва мулойим бўлиб қолишади. Ҳатто юзни ҳимоя қилувчи махсус кийим киймасдан ҳам ишлаш мумкин.

Асал йиғиш авжига чиққан кунлари ариларни ҳуда-беҳуда безовта қилавериш ярамайди. Бу ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Аммо қутиларни эҳтиёткорлик билан кўриқдан ўтказиб туриш керак. Кўриқни доимо куннинг иккинчи ярмида, иложи бўлса, кечга яқин амлага ошириш мақсадга мувофиқдир.

Бундай кўриқда кўпинча чорчўплардаги уячаларнинг аксарият қисмига асал қўйилгани, фақатҳали усти пардалаб ёпилмагани ёки гул чанги жойлашгани кузатилади. Кам тажрибали арибоқар бу оилада ҳосил йиғиш учун жой етарли деб ўйлайди. Шу боис қутига қўшимча равишда уячали чорчўплар киритмайди. Бу билан асал йиғинига ўнглаб бўлмас зарар етказганини билмай қолади.

Оилада асал йиғиш қанча кўп бўлса, унинг қўшимча уячали чорчўпларга бўлган эҳтиёжи шунча катта бўлади. Бундай чорчўплар керагидан қанча кам қўйилса, асал йиғини ҳам шунча камайиб кетади. Қуввати ва ишчанлиги тенг бўлган икки оила бир хил шароитда турли миқдорда асла тўпла-

ши мумкин. Бунга асосий сабаб кам асал йиққан оиланинг қўшимча уячали чорчўплар билан таъмин этилмаганидир.

Асални етилтириш

Фақат кундузлари эмас, балки кечалари ҳам ариуянинг бир маромда тинимсиз гувиллаётгани эшитилади. Бу ариларнинг уяни шамоллатишаётганини билдиради. Арилар қанотларини пириллатиб, уяда сунъий шамол пайдо қилишади. Шу йўл билан улар янги келтирилган асал таркибида сув миқдорини камайтирадилар. Етилмаган асалнинг қирқ, ҳатто саксон фоизгача сув бўлиши мумкин. Асарилар кечаю кундуз асални елпийвериб бу кўрсаткични йигирма фоизга туширадилар. Шундагина асал етилган ҳисобланади.

Арилар томонидан асалнинг бундай қайта ишланиш жараёни камида беш-олти кун давом этади. Бир кило етилмаган асални жойлаш учун ариларга етти минг бир юз қирқта уяча зарур бўлса, бир кило етилган асални сиғдиришга эса икки минг тўрт юзта уяча етарлидир. Шунда битта уячага ярим граммдан ҳам камроқ асал жойланган бўлади. Арилар етилган асалга тўлдирилган уячалар юзасини юпқа оқиш парда билан маҳкам ёпиб чиқишади. Юзига парда тортилмаган, яъни, етилмаган асал муддатидан аввал чиқариб олинса, меъеридан ортиқча сув унинг сифатига путур етказиши мумкин. Бундай асал узоқ сақланмайди, таъми ҳам тез бузилади.

Жаҳонгир Қўчқоров

магани учун ажнабийча исмларни эшитганида энсаси қотар. Бу сир бизга қоронғу. Иккинчиси — урфда кўп учрайдиган аслида яхшигина бир исмга изоҳ бермайди. Бунинг сабабини ҳам фақат ўзи билади. Ҳазил қилишни истаган айрим мижозлар атайлаб шу исмнинг маъносини сўрашади. У исмни эшитган заҳоти Насим аканинг кайфияти бузилади. Юзи бирдан ўзгариб, киприклари уча бошлайди. Гарчанд маъно изоҳлари тайёр бўлса-да, ё "топа олмаган" ёки "муаллиф ёзмаган" бўлиб чиқади. Баъзи тахминларга кўра, ўшандай исмли бир шоғирди бўлган-у, ундан хиёнат кўрган эмиш...

Хуллас, Насим ака ўзини хорламай юрибди. Илми занг босиб қолишни асло истамайди. Илми киши хор бўлмас, деб шуни айтсалар керак. Гоҳида ўзига ўзи сўйланади: "Нима бўлганида ҳам, фалончига ўхшаб пистаю пуфак сотиб бир жойда ўтирганим йўқ. Юрганим соғлигимга ҳам яхши..."

Азиз биродар, мабодо шаҳримиз бозорларида китоб варақлаб, исм излаётган одамни кўриб қолсангиз, ажабланманг, эҳтимол, у Насим акадир ёки бошқа биров. Муҳими, исмингизнинг маъносини билиб олинг.

Баҳодир
НУРМУҲАММАД

¹ Зарифа Саидносирова. "Ойбеги менинг", "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни. Т., 1994, 160-бет.

² Ўткир Ҳошимов. "Дафтар ҳошиясидаги битиклар", "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни. Т., 2005, 90-93-бетлар.

Ражаббой РАУПОВ



ЎЛИМ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Ўзбекистон Республикаси
 Ёзувчи Ражаббой Раупов "Нур дарво-
 заси", "Осмоннинг эгаси", "Остона",
 "Ўғил", "Эътиқод" номли қисса ва ҳикоя-
 лар тўплами ҳамда "Устун" романи би-
 лан халқимизга яхши таниш. Яқинда
 "Ўлим билан юзма-юз" номли янги роман
 ёзиб тугатди. Асарни чопга тайёрлар экан,
 журналимизнинг мухлиси сифатида ундан
 бир парчани "Ҳидоят"га, демакки, "Ҳидо-
 ят" ўқувчиларига ҳам илинибди. Айрим
 жузбий таҳрир билан ҳукмингизга ҳавола
 этаётормиз.

Беморни операцияга тайёр-
 лаш ҳар икки томон учун — бе-
 мор учун ҳам, шифокорлар учун
 ҳам жуда муҳим жараён экан.

"Ичасизми? Чекасизми? Зо-
 тингизда қанд касали билан
 оғриганлар йўқми?" каби ўнлаб
 саволларга жавоб олишгач, қон
 гуруҳимни аниқлашди. Ҳар
 эҳтимолга қарши мен учун қон
 берадиган жиянимларим тайёр
 туришди.

Эрта тонгданоқ илҳақ бўлиб
 кутаётганларим — ўғлим ва
 аёлимга ёнимга киришга рухсат
 беришди. Улар мени кўришлари
 биланоқ гап нимадалигини ан-
 глашди. Шукр, ўғлим ҳам, аёлим
 ҳам ўзини жуда вазмин тутди,
 вазиятга қараб иш кўриш лозим-
 лигини зийраклик билан англаш-
 ди. Аёлим бош томонда, ўғлим
 оёқ учиде туриб юзимга тики-
 либ қолишди. Шу топда уларнинг
 кўнглидан нималар ўтди — ўзла-
 рига аён. Ўғлим индамай чиқиб
 кетди, аёлим ёнимда қолди. Бо-
 шимни қимирлатолмасдим, гўё
 ёстиқда бош эмас, бир бўлак тош
 қонга беланиб ётарди. Кўзларим
 билан унга яинроқ кел дегандек
 ишора қилдим. У дарҳол энга-
 шиб кулоғини тутди.

— Қизимга ваъда берган эдим,
 энди уларнинг ортидан боролмай-
 диган бўлдим-да! — дея ўқиндим.

Қизим ва кенжа ўғлим ин-
 ститутга ҳужжат топширишган

эди. Имтиҳон куни оила аъзо-
 ларимиз иккига бўлиниб, улар-
 ни қўллаб-қувватлаш, мадад
 бўлиш ниятида ортларидан бор-
 моқчи эдик.

Ўзимнинг ҳолимга омонат
 жонимга заррача ачинмасдим. Ле-
 кин мен учун қайғуриб, кўнгли
 ярим бўлиб қолаётган фарзанд-
 ларимни ўйласам, пушаймонлик
 ҳисси юрагимга бигиздек санчи-
 ларди. Бир пайт-лар (Совет замо-
 нида) менга бир шикоят хатини
 текшириш учун борган мухбир-
 га: "Юртни мухбирлик билан ту-
 затолмайсан, ука! Яхшиси, бер-
 ганимни ол-да, Тошкентингга
 жўна! Палончига мендан салом
 айт..." деган совхоз директори-
 нинг гапларини эсладим...

Бири бирига зид, айна пайт-
 да, аччиқ фикрлар хужумига,
 таънаю маломатларга дош бериш
 қийин эди. Тирик қолиши номаъ-
 лум одам бу вазиятда соғлигини
 ўйласа бўлмасмиди? Ўзига хос
 қайсарликмиди бу ё адолат томо-
 нида туриш, унинг галабасига
 умид бўлаш, ишонишмиди?

Рафиқамга болаларни эслаб
 айтган ваъдам таъсир қилди. Шу
 пайтгача кўзида нам кўринма-
 ган аёлнинг юзларига ёш оқди,
 унсиз йиғлади:

— Ўқиш қочиб кетармиди,
 соғ-саломат оёққа турсангиз,
 болалар учун ўқиш ҳам, бахт
 ҳам шу-да!..

Шу топда ҳеч бир сўз, тас-
 кин кор қилмас, алам тўла бир
 дард ич-этимни кемирад эди.

Соат тўққиз бўлгач, мени
 узун аравачага ётқизишди, жарроҳ-
 лик хонасига олиб чиқишди. Би-
 ринчи ва иккинчи қават йўла-
 гига тумонат одам йиғилган.
 Қишлоғимиздаги катта-кичик,
 эркак-аёл бариси, қариндошла-
 римиз, яқин дўст, ака-укалар ва
 бегоналар, оддий одамлар тўпла-
 нишган. Улар гўё мен билан охи-
 ри марта дийдорлашиб, хайрла-
 шиб қолиш учун:

— Бардам бўл, укажон, мен
 шу ерда... — дея баланд овозда
 қичқирар, мен билан бирдам-
 ликларини изҳор этишга шоши-
 лишар эди. Ўшанда кимдир югу-
 риб келиб "Укажон, гумонинг-
 ни айт, Фалончими, ўшамми?" деб
 ҳеч кимдан ҳайиқмай сўрагани
 ёдимда. Мен у айтган номларни
 қўл ишораси билан инкор этдим.

Одам одамга суянчиқ бўли-
 шини, одам одамга керак бўли-
 шини ўша лаҳзаларда англадим.
 Кимдир, кимлардир, мени ўл-
 дирмоқчи бўлишди-ю, яна ким-

лардир менга Аллоҳдан умр тилаб, омон қолишимни сўрамоқда. Уларнинг мендан қарзи йўқ эди-ку? Уларга ўтказиб қўйганим, арзирли яхшилик қилишга улгурганим ҳам йўқ. Нега улар атрофимга йиғилиб, менга меҳр улашди, қўллаб-қувватлашди? Ўша лаҳзаларда бу саволларга жавоб топишим қийин. Жарроҳлар жам бўлиб мени кутиб туришарди. Ҳеч кимни ичкарига қўйишмади. Лекин мен билан хайрлашгани шошаётган кишиларнинг ҳаракатини кузатиб, шундай хулосага келдим: улар беҳудага ваҳима солишмаяпти...

Наҳотки, ортимда қолаётган жигарларимни — ўғлимни, аёлимни, дўсту биродарларимни сўнги бор кўриб, овозларини охириги марта эшитаётган бўлсам?

Ҳеч ким қачон, қандай, ўлим топишини билмайди. Тақдирга тан бермаган банда банда эмас.

Хаёлан улар билан видолашдим. "Хайр энди биродарларим, хайр дўстларим... Хайр, мендан рози бўлинглар".

Ёд билган сураларим (Фотиҳа, Ёсин, Ихлос)ни ичимда тиловат қилиб, кўзимни юмиб ётдим. Ихтиёримни буткул Аллоҳга топширдим.

* * *

Орадан қанча муддат ўтди, билмайман, кўз очганимда жонлангириш хонасида ётган эканман.

— Операция қилишмадим мени? — дея ажабланиб ўғлимдан сўрадим. Гапимни ҳеч ким тушунмас, жуда қийналиб гапирар эдим. Гўё тилим, лабларим шишиб, бир неча баробар катталашгандек. Ўғлим гапимга жавобан қўлидагиғижимланган қон юқи дастрўмолчани кўрсатди. Маъно англаёлмадим. (Кейинроқ маълум бўлдики, қонли дастрўмолчада бош чаноғимдан олинган суякларим тугилган экан).

Операциядан сўнг жонлаштириш бўлимида ўзимга кела бошлагач, ёшроқ дўхтирлар мени гапга солиб, ҳазиллашишди. Уларнинг саволларига аниқ жавоб бе-

ришга ҳаракат қилдим, аммо гапиролмадим, тилим айланмасди. Айтмоқчи бўлган сўзларимнинг фақат бош ҳарфинигина айтиб, тушунтиришга ҳаракат қилдим. Мажолсизликдан қўл-оёқларимни кўтаролмадим. Бир оз вақт ўтгач, ўнг қўлимни кўкрагимга олиб қўй, деб кимдандир ёрдам сўрадим, амаллаб тушунтирдим.

Яна эслаганим: нафас ололмай жуда қийналдим ва атрофимда ўралашиб юрган кимсаларга "Ўлдирсанг, тезроқ ўлдиргин, бунақа азоб бериб ўлдирмайди-да!" деб такрор-такрор айтдим. Аммо ҳеч ким мени эшитмади, сўзимга қулоқ солмади...

Ниҳоят, ёнимда турган аёлим ва ўғлимни аниқроқ кўра бошладим. Аёлим нуқул "Худогашукр" деганича, ўғлимга чиқиб тур деб ишора қилар, мен эса "Йўқ, кетмасин, кетмасин" дея гўлдирар эдим. Унга айтадиган гапларим кўп, аммо ҳозир айтолмас, фақат "Шо, Шо" дейишдан нарига ўтолмас эдим.

Аёлим эслашича, жарроҳ унга: "Янга, акам то ўзига келгунича сиз ҳам, ўғлингиз ҳам кўзларига кўринманглар, — дебди. — Наркоз таъсирида танлари оғриқни сезмаган бўлса-да, лекин руҳлари барча азобларни ҳис қилиб турди. Икки марта кома ҳолатига тушиб, қийналдилар. Энди яқин кишиларига кўзлари тушса, йиғлайдилар, ўзларини камситилган ҳис қилиб, ўкинадилар. Йиғласа, миялари шишади, мия шишса, қон босими кўтарилади, бу эса жуда хавфли", деб ҳаммасини ётиги билан тушунтирибди.

Аммо аёлим қатъий туриб: "У киши жуда иродали одам, йиғламайдилар, илтимос, айтинг, ёнларида бўлай, руҳсат беришин", деб илтижо қилавергач, ноилож кўнишибди. Ўғлим эса, ҳеч кимдан сўрамай тўғри кириб келаверибди. У кафтидаги қонли рўмолчани сиққанича гапирмас, юзимга тикилиб нималарнидир режалаштирар эди...

Гоҳ ўзимга келиб, гоҳ аросатда қолиб, ҳаммасини эшлашга уринардим. Менга нима бўлган

ўзи? Ҳозиргина (орадан олти соат ўтган экан) операцияга олиб киришган эди-ку?

Ёстиқ бошимга тошдай қаттиқ ботарди. Ранжиб, аёлимга қарадим. У дарҳол нима демоқчилигимни англаб: "Уйга одам жўнатдим, Ойибим тиккан ёстиқлардан олиб келади" деб мени тинчлантирди. Унинг "Ойибим" деган сўзини эшитиб, юрагим титраб кетди.

"Ойибинг осмонда қолди-ку, қани ўша ой — онажоним қани, яна бир марта кўрсам эди", дея ич-ичимдан ўқиндим.

Қачон уйга борсам, онам биринчи терим пахтадан чигитини қўлда ажратиб, савачўпда савалаб, титилган толаларидан бир жуфт юмшоқ ёстиқ тикиб кўярдилар. Уйимизда онажонимнинг қўллари теккан ўн жуфт оҳори тўкилмаган ёстиқ бор эди. Бу қадрдон ёстиқларга нари борса бир кеча бош қўйиб ётганман, холос. Етти болорли кенг уйда онамнинг оёқ учларида сим қаравотда юмшоқ ёстиққа бош қўйиб, суҳбатлашиб чиққан тунларим хотирамда муҳрланиб қолган.

Ҳеч ким онамдек бўлолмасди. Онамнинг сўзлари, ишлари, тиккан курак кўрпачаю ёстиқлари, пиширган таомлари, ёпган нонлари, кулчалари, босган қадамлари қаерда қолди? Улар йўқ, улар туш энди. Оёқ остида ётган бирор хас-чўп бўладими, шох-шабба ёғўзапоё бўладими, уни авайлаб олиб, ўчоқ бошига келтириб кўярдилар:

— Онажон, уйда ўтинимиз йўқми? — деб ранжисам:

— Рўзғор бошинга тушмаган-да, ҳозирча билмайсан, — дер эдилар.

Бошқа оилаларга нисбатан (отамнинг гайратлари, тинибтинчимасликлари туфайли) биз тўқисроқ яшасак-да, онам ҳеч нарсани исроф қилмас, беҳуда сарфламас, асраб-авайлар эдилар. Жаннати онам-а, осмонларда қолган онам-а...

Бирдан кўзимга ёш тўлиб, елкаларим силкинди, йиғладим.

— Сизга нима бўлди, ҳам-

маси ўтиб кетди-ку, шукр қилинг, — деб аёлим таскин берар, менга нима бўлганидан хабарсиз эди.

Бошимга беш марта темир билан уришганида, суякларим эзилганида ҳам бирор марта "воҳ" демаган эдим. (Фақат йиқилаётиб, "ўлдирдинг-ку номард!" деганим эсимда). Ўшанда кўзимдан бир томчи ҳам ёш чиқмаган, барча оғриқларга дош берганман. Қон қотган сочимни қиртишлаб, теримни дағал ип билан тикишганида ҳам кўзимни чирт юмиб чидаган эдим. Энди-чи?

Ўзимни жисмонан соғлом, кучли ҳисоблар ва кўнглим буюрган ишдан қайтмас эдим. Аёлимнинг бир оғиз сўзи, келиннинг қайнонага муҳаббати, Ой-биби деган эҳтироми онамни эслатди-ю, кўнглим бўшаб, кўзимга ёш тўлди... Илгари соғ пайтимда бундай бўлмасди-ку! Кўпинча соғ пайтларимда онам ёдимга тушмас, тирикчилик домига тортиб, ўз ташвишларим билан елиб-югуриб юраверар эдим.

Она ёди одамга доим ночор қолганида, қай-ғуга ботганида ёрдамга келаркан, далда бераркан-да?!

Кўзёшларим тиниб, ўзимга келгунимча аёлимнинг юпатишлари таъсир қилмади. Узоқ йиллардан буён илк бор тўйиб йиғладим. Бу дунёда онангиз ёдингизга тушиб, уни эслаб йиғлашдан бошқа арзуғулик яна нима бор?

Шу ҳақида ўйлаб, сукут сақлаб ётар эканман, ҳозиргина рангин, нурли, мусаффо осмонлар қўйнида кўрганим, ўзга бир олам — онамдан жуда олисда эканимни ҳис қилдим-у, сув беришларини сўрадим...

"ХАТТОТ АРТ" ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Хаттотлик ноёб санъат турларидан бири ҳисобланади. Улуғ аждодларимиз ёзган, таълиф этган энг нодир китоблар шу касб эгаларининг меҳнатлари сабаб бизгача етиб келди. Бугунги ёшларнинг хаттотликка қизиқишлари қандай? Республикада санъатнинг бу турини янада ривожлантириш учун қандай ишлар қилинмоқда? Қўқалдош мадрасасида ташкил этилган хаттотлик тўғрисида раҳбари истеъдодли хаттот Ислоҳ Муҳаммад бу ҳақда муҳбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.



— Алҳамдулиллаҳ, болалигимдан хаттотликка меҳр қўйиб, ўрганиб, мана, Малайзия, Туркия, Покистон каби қатор мамлакатларда хизмат сафарига бўлдим. Бу мамлакатларда хаттотлик санъати ривожини, айниқса, ёшларни бу соҳага жалб этиш тажрибаларини кўриб, тўғриси, жуда ҳавас қилганман.

Камолиддин Беҳзод номидаги дизайн институтида устоз Ҳабибулло Солиҳ хаттотлик ва миниатюра бўлимини ташкил этгани маълум. Аммо диний таълим тизимида бунга эътибор суст эди. Шу боис йил бошида "Қўқалдош" мадрасаси талабалари учун хаттотлик тўғрисида ташкил этилди. Тўғрак машгулотларида қатнашиш мадраса талабаларига мажбурий ҳисобланади. Мақсадимиз, ҳар бир талаба, қадимий қўлёзмаларни, улар қайси хат турида ёзилган бўлмасин, қийналмасдан ўқий олишлари, бир неча хат турларида матнларни чиройли ёза оладиган, шунингдек, хат турлари тарихи ва хусусиятларидан яхши хабардор бўлишлари керак.

Ҳозирча, талабаларнинг қизиқишлари ёмон эмас. Ўқитувчи Баҳодир Солиҳ ва камина икковимиз амалий машгулотларни мунтазам ўтказиб турибмиз.

Яқинда яна бир хайрли ишни бошладик. Тўғрак билан бевосита ҳамкорликда иш юритувчи "Хаттот арт" хусусий корхонаси ташкил этилди. Ушбу корхона масжидлар, мадрасалар ва бошқа меъморий обидалар деворларидаги ёзувларни таъмирлаш, янгиларини ёзиш, ёзувли плакатлар, ёдгорлик буюмлари тайёрлаб беришга буюртмалар олади.

Қизиқувчилар учун корхона қошида хаттотлик ва наққошлик бўйича ўқув курслари ташкил этилди. Талабанинг вақтига қараб, ҳафтада икки марта якка тартибда дарс-машгулот ўтказилади. Ўқиш муддати ҳам талабанинг қобилияти, иқтидорига кўра белгиланади. Ўқув курси якунида битирувчилар гувоҳнома оладилар, улар жойларда хаттотлик фанидан дарс беришлари мумкин бўлади.

Хуллас, ўқув курси битирувчилари махсус қаламда настаълик, риқо, сулс, девоний каби бир қатор хат турларида матнларни бемалол, хатосиз ва чиройли шакл билан ёза оладиган бўлишлари керак.

"Хаттот арт" хусусий корхонаси, ноёб тарихий қўлёзмаларни таъмирлаш, нодир манбалардан қўлёзма нусхалар кўчириш, босма манбаларнинг янги қўлёзма нусхаларини тайёрлаш бўйича ҳам буюртмалар қабул қилади. Шунингдек, корхона келгусида меъморлар, кулоллар, дегрезлар, қандакорлар, зардўзлар билан ҳамкорликда хаттотлик санъати намуналари кўргазмаларини ташкил этишни ҳам режалаштирмоқда.

Абдул ЖАЛИЛ

ёзиб олди.